ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ, СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИНГИЗ!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси колхозчилари, совхоз ишчилари ва мутахассисларининг 1963 йилда дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини авж олдириш тўғрисида мамлакатдаги барча қишлоқ хўжалик ходимларига қилган чақириғи ҳақида

КПСС Марказий Комитети Краснодар ўлкасидаги Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ташаббусини маъқуллади. Улар 1963 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни анча кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига мажбурият олдилар ҳамда дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини авж олдиришга чақириб, мурожаат қилдилар.

КПСС Марказий Комитети иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармаларига, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг йиғилишларида Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг мактубини кенг муҳокама қилишни, бу ватанпарварлик ташаббусини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашни тавсия этди.

КПСС Марказий Комитети ишонадики, Кубань қишлоқ меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусини мамлакат қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари кенг қўллаб-қувватлайдилар ва бу ташаббус умумпартиявий ва умумдавлат вазифасини муваффақиятли амалга оширишнинг — мамлакат бўйича дон тайёрлашни 4 миллиард 200 миллион-4 миллиард 500 миллион пудга етказиш, шунингдек гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни анча кўпайтириш учун қишлоқ хўжалигидаги ҳамма резервлардан фойдаланишнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитети «Правда», «Известия», «Сельская жизнь», «Труд», «Советская Россия» газеталари редакцияларига, шунингдек республика, ўлка ва область газеталари ҳамда ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг газеталари редакцияларига мусобақанинг боришини кенг ёритиш вазифасини топширди.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 27 (12.380)

Жума, 1 февраль 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

ҚЎШМА СЕССИЯ

ЖЕТИСОЙ, 31 январь. (ЎзТАГ). Жанубий Қозоғистон ўлкаси ерларининг бир қисми Қозоғистондан Ўзбекистон ССР составига топширилиши муносабати билан Мирзачўлдаги посёлкалардан бири — Жетисойда меҳнаткашлар депутатлари Киров ва Пахтаорол район Советларининг қўшма сессияси бўлди.

Сессия Жанубий Қозоғистон ўлкаси ерларининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига ўтказиш тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини маъқуллашга ҳамда бу ерларни Ўзбекистон составига қўшиш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини табриклашга бир овоздан қарор қилади.

(Сессиянинг батафсил ҳисоботи навбатдаги сонда берилади).

АНТОНИН НОВОТНИЙ МИРЗАЧЎЛ БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотний 31 январда Зарафшон водийсига ва Мирзачўлга сафар қилди. Антонин Новотнийнинг рафиқаси билан қилган сафарида Чехословакия ҳукумати раисининг ўринбосари О. Шимунек рафиқаси билан, ташқи ишлар министри В. Давид, Словакия Миллий кенгашининг раиси Й. Ленарт, Чехословакиянинг СССРдаги элчиси Р. Дворжак рафиқаси билан ва бошқа чехословак меҳмонлар иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов Антонин Новотнийнинг Ўзбекистон бўйлаб қилаётган сафарида унга ҳамроҳ бўлмоқдалар.

Самарқанд аҳолиси чехословак дўстларини зўр самимият ва хурсандчилик билан табрикладилар. Вокзалда Антонин Новотнийни ва унинг йўлдошларини саноат области партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари О. Маҳмудов ва областнинг бошқа раҳбар ходимлари, шаҳар меҳнаткашларининг кўпгина вакиллари кутиб олдилар.

Меҳмонлар ўзбек халқи қадимий маданиятининг бойликларини ўзида акс эттирган Самарқанднинг тарихий ёдгорликларини кўздан кечирдилар. Ўзбекистоннинг йирик саноат ва маданият маркази бўлган бу шаҳарнинг ҳаёти билан, областда пахтачиликнинг ривожланиши билан қизиқдилар.

Самарқанд партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳурматли меҳмон шарафига зиёфат бердилар. Бу зиёфат гоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Бўлган суҳбат вақтида Антонин Новотний таъкидлаб ўтдики, Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқларини, жумладан Ўзбекистон халқларини мақсаднинг умумийлиги бирлаштиради. Шу сабабли бу халқларнинг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдамини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш зарур.

Чехословакия юксак даражада тараққий этган тўқимачилик саноатига эга, лекин ўз пахтасига эга эмас. Бу саноатнинг ана шу қимматли хом ашёга бўлган эҳтиёжи йил сайин ўсиб бормоқда. Айни вақтда Ўзбекистон пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун катта имкониятларга эга. Бу соҳада бизнинг манфаатларимиз мос келади, деб таъкидлади Антонин Новотний, ва биз пахтачиликни ҳамда тўқимачилик саноатини юксалтиришда ўзаро кучларимизни бирлаштиришимиз мумкин.

Антонин Новотний коммунистик партиялар ва қардош халқлар ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ҳақида гапириб, таъкидлаб ўтдики, Чехословакия Коммунистик партияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан ҳамиша бирга бормоқда. Бизнинг муносабатларимиз, — деди у, — маҳкам жипслик муносабатларидир. Совет кишилари Чехословакия халқлари ҳақида ўйлаганларни сингари биз ҳам совет кишилари ҳақида ўйлаб яшамоқдамиз.

Бизнинг Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига қилган сафаримиз, деди сўнгра Антонин Новотний, халқларнинг дўстлигини янада мустаҳкамлаш манфаатларига қаратилган эди. Биз ўз вазифамизни бажардик. деб ўйлаймиз. Бу сафар жуда фойдали бўлди.

Антонин Новотний социалистик лагерь бирлигини мустаҳкамлашда, халқаро кескинликни юмшатиш учун қилинаётган Н. С. Хрущевнинг катта роль ўйнаётганлигини кўрсатиб ўтди. Н. С. Хрущевнинг ростгўйлиги ва фикрларининг кенглиги, мураккаб халқаро масалаларни ҳал қилишда ўтказаётган пухта сиёсати мени қойил қолдирмоқда, — деди у.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Антонин Новотнийга мурожаат қилиб айтдики, Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари пахта етиштиришни максимал даражада кўпайтириш ишида фақат Совет Иттифоқи халқлари олдидагина эмас, балки бутун социалистик лагерь халқлари олдида ҳам ўз интернационал бурчини чуқур тушунадилар ва пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан етти йиллик топшириғини шараф билан бажариш учун қўлдан келган ҳамма ишларни қиладилар.

Чехословак дўстлар тушган поезд Самарқанддан жўнаб, Мирзачўл орқали яқиндагина қурилган йўл бўйлаб жўнайди. Поезд «Пахтакор» станциясида гўхтайди. Бу ерда Мирзачўл районларидаги кўпгина хўжаликларнинг ва қурилиш коллективларининг вакиллари меҳмонларни кутиб олмоқ учун тўпланган эдилар.

Бир группа деҳқон кишилар — «Пахтаорол» совхозининг бригада бошлиғи Субан Нормуродов, Жиззах районидаги Наҳоий номли колхоз раиси Камол Азимов ва «Янгиерводстрой» трестининг архитектори Лидия Осипова Антонин Новотнийга традицион дастурхон тутадилар. Ҳурматли меҳмон ўзбек кулчасини татиб кўради, сасимий кутиб олинганлигиз учун чин қалбдан ташаккур изҳор қиладилар.

Чехословакия вакиллари ва уларнинг ҳамроҳлари машиналарга тушиб, Мирзачўлнинг ичкарисига томонга йўл оладилар. Меҳмонларнинг кўз олдида улкан қурилишнинг улуғвор манзараси очилади. Ҳамма ерда кучли техника кўзга ташланади. Бу техника ёрдами билан янгиерликлар табиатни бўйсундирмоқдалар, бир вақтлар қақраб ётган чўл-биёбонларни боғу бўстонларга айлантирмоқдалар. Ўзлаштирилган майдонлар билан бир қаторда биринчи марта экиш учун тайёрланаётган массивларни кўрасиз. Экинзорларга ҳар томонлама сув берадиган темир-бетон лотоклар далалар бўйлаб чўзилиб кетган.

Чехословакиялик меҳмонлар кўрик ерларни ўзлаштирувчилар ҳузурига ажойиб кунда келдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари ва биноқорлар Қозоғистон ССР ўз территориясининг Мирзачўлдаги бир қисмини Ўзбекистонга ўтказганлиги тўғрисидаги хабарни ҳозиргина эшитдилар. Совет халқлари бузилмас дўстлигининг улуғворлигини намойиш қилувчи бу олиҳимматлик кўрик ерликларни меҳнатдаги, пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашдаги муваффақиятларини янада кўпайтиришга руҳлантирди.

Меҳмонлар Мирзачўл билан танишишни 5-совхоз далаларидан бошлайдилар. Улар сув тақсимлайдиган иншоотга эътибор берадилар. Бу ерда беш темир-бетон лоток бўйича оқадиган сув ернинг шўрини ювиш учун фойдаланилмоқда. Ҳозир кўрик ерликлар учун қизғин иш пайти. Кўкламги экишга тайёргарлик кўрилмоқда. Мирзачўл совхозлари кузги шудгорлашни республикада биринчи бўлиб тугалладилар, ҳозир ерларнинг шўри ювилмоқда.

«Главголодностепстрой» бош инженери Е. И. Озерский бинокорлар ва ерларни ўзлаштирувчилар Никита Сергеевич Хрущевнинг маслаҳатига мувофиқ, ирригация-мелиорация ишлари методларини тинмай такомиллаштираётганликлари тўғрисида Антонин Новотнийга гапиради. Мирзачўлни суғоришда темир-бетон лотоклар, сув трубопроводлари ва эгилувчан шланглар сингари прогрессив усулларгангина фойдаланилмоқда. Бу усулларни қўлланиш сув ресурсларидан фойдаланиш коэффициентини оширади. Ҳозирги вақтда 376 километр лоток тармоқлари, 354 километр сув трубалари, 280 километр ёпиқ дренаж тармоқлари қурилди.

— Бир гектар ерни ўзлаштириш қанчага тушади? — деб сўрайди Антонин Новотний.

— Биз бир гектарга 2,5-2,7 минг сўм сарфламоқдамиз, бу ҳисобга ерларни ўзлаштириш учун қилинган харажатларгина эмас, балки йўллар, уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар қуриш учун, бутун қурилиш комплекси учун қилинган харажатлар ҳам киради, — деб жавоб беришади «Главголодностепстрой» раҳбарлари.

— Бу ҳеч кўп эмас, — дейди ҳурматли меҳмон. — Бизда, Шарқий Словакияда ерларни ўзлаштириш анча қимматроққа тушмоқда.

Чехословакиялик меҳмонлар Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун сарф қилинаётган маблағларнинг ўрни қачалик тез қопланади? деб сўрайдилар.

— Сарф қилинган маблағларнинг ўрни қурилиш давомидаёқ қопланади. — дейди Е. И. Озерский. — Мисол учун 6- совхозни олиб кўрайлик. Бу хўжаликда ҳамма харажатлар ҳозиргаёқ қопланди. Баҳоланки, унинг ташкил этилганига атиги икки йил бўлди.

Меҳмонлар 6- совхознинг пахта тайёрлаш пунктида тўхтайдилар. Антонин Новотний жуда катта пахта бунтлари олдига келади. Ана шу бунтларнинг ўзи совет кишисининг фидокорона меҳнати билан ўзлаштирилган Мирзачўл ерларининг унумдорлигини яққол исботлаб турибди. Меҳмонлар яқинда қурилган куритиш-тозалаш цехини, тайёрлаш пунктида қўлланилаётган янги техникани кўздан кечирадилар, пахтанинг юқори сифатига қойил қоладилар.

— Бизнинг ажойиб кишиларимиз бор, — дейди совхоз директори Саттор Усмонов. — Улар чинакам ташаббускор ва ўз ишининг ажойиб усталаридир.

Антонин Новотнийни пахтакорлар билан — бригада бошлиқлари Инобат Охунова ва Эшпўлат Жумаев билан таништирадилар. Бу бригада бошлиқларининг ҳар бири «оқ олтин» дан мўл ҳосил етиштирмоқда. Ҳурматли меҳмон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторлари билан бирга суратга тушади.

Олти йил мобайнида Мирзачўлда юз минг гектардан ортиқ янги ерлар ўзлаштирилганлиги меҳмонларга маълум қилинади. Келгусида эса бизни янада ажойиб перспективалар кутади. Ўрта Осиёнинг пахтакор республикаларида яқин келажакда уч миллион гектар кўрик ерни оборотга киритиш керак бўлади. Ишимиз етарли!

Совхозларнинг ишчилари чехословакиялик дўстлар билан самимий хайрлашар эканлар, чехословак-совет дўстлиги социализм ва коммунизм учун, бутун дунёда тинчлик учун курашдан иборат умумий ишимиз манфаатлари йўлида тобора мустаҳкамланади ва ривожланади, деб қаттиқ ишонч билдиридилар. Пионер Наима Абдиева Антонин Новотнийга Мирзачўлда бўлиш эсдалиги сифатида очилиб турган оппоқ пахта билан қопланган гўза шоҳини тақдим этади.

Мирзачўл билан танишиш Жанубий Мирзачўл каналидаги сув тақсимлаш иншоотларидан бирини кўздан кечириш билан тугалланди.

Антонин Новотний ва унинг ҳамроҳлари ўша куни кечқурун Тошкентга қайтиб келдилар.

Г. ЛИПШИЦ,
Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири.

1963 ЙИЛДА ДОН ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг мамлакатдаги барча қишлоқ хўжалик ходимларига мактуби

Қадрли ўртоқлар!

Ватанимиз улуғ етти йиллигининг бешинчи йилига қадам қўйган кунларда биз сизларга ушбу мактуб билан мурожаат қилмоқдамиз. Совет кишилари КПСС XXII съезди қабул қилган коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини ўз қаҳрамонона меҳнатлари билан амалга оширмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тез ўзгараётганлигини, ҳаётимиз тобора гўзаллашиб бораётганлигини кўриб қувонмоқдамиз. Ҳар бир киши истиқболимиз, бойлигимиз миллионларнинг меҳнати ва фақат меҳнати билан барпо этилаётганлигини аниқ равшан англаб турибди.

Сиз билан биз мамлакатга қанча кўп озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хом ашё етказиб берсак, Ватанимиз шу қадар қудратли бўлади, совет кишиларининг ҳаёти шу қадар яхши ва бахт-саодатли бўлади.

Жонажон Коммунистик партия бизларни дон етиштириш ва тайёрлашни кескин юксалтирмоқ учун имкони бўлган ҳамма чораларни шу йилнинг ўзидаёқ кўришга чақирмоқда. 1963 йил учун дон харид қилиш давлат плани тўрт миллиард пуд миқдорида тасдиқланди. Лекин биздар ҳар бир хўжаликдаги резервлардан тўлароқ фойдалансак, янада юксакроқ маррани эгаллай оламиз — Ватан омборларига 4.200-4.500 миллион пуд дон тўка оламиз. Бу эса ўртоқ Н. С. Хрушчев қўйган умумпартиявий ва умумдавлат вазифасидир.

Ҳар бир колхоз ва совхознинг бурчи ана шу улуғвор вазифани бажаришга ўзининг бутун куч-ғайратини сарфлашдан, ўзининг ҳамма резервларини сафарбар этишдан, ҳар бир гектар ердан оқилона фойдаланишдан, ўз далалари ҳосилдорлигини кескин оширишдан иборат.

Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармасининг деҳқонлари ўз имкониятларини пухта ҳисоблаб чиқиб, **мамлакат дон хўжалигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилдилар. Бир йил ичида бизда дон етиштириш деярли бир ярим баравар кўпаяди. Бошқарма колхозлари ва совхозлари давлатга Кубаннинг 13,4 миллион пуд сара донини сотадилар. Ғалла тайёрлаш ўтган йилдагига нисбатан 2,7 миллион пуд ёки 25 процент ортади.**

Биз бу катта вазифани ўз зиммамизга ишонч билан олмоқдамиз. Бизнинг Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармамизда Ватан фондига катта ҳисса қўшмоқ учун ҳамма имкониятлар бор. Ҳамма колхозчилар ва совхоз ходимлари Коммунистик партия қишлоқ хўжалиги олдига қўйган вазифаларнинг улуғворлигидан жўшқин руҳланганлар. Бошқармага бирлашган 29 колхоз ва совхоз илғор техника билан қуролланган бўлиб, уларда катта тажриба бор, гоят катта хўжаликни бошқармоқдалар, 256 минг гектар ҳайдаладиган ерга, 300 минг бошдан кўпроқ турли чорва молларга эгадирлар.

Экин майдонлари структурасини такомиллаштириш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим манбаидир. Бошқарманинг колхоз ва совхозлари 11,7 минг гектар ўтзорни ҳайдаб қўйдилар, камҳосил экинлар майдонини кескин қисқартирдилар. Уларнинг ўрнини кузги буғдой, маккажўхори, нўхат, қанд лавлаги сингари деҳқоннинг қудратли дўстлари олди. **Бу йил бизда жами 156,4 минг гектар ерга ёки ўтган йилдагига қараганда 19 минг гектар кўп ерга дон экинлари экилади.** Дон экинлари ҳайдаладиган ерларнинг 61 процентини эгаллайди. Асосий массивлар бизнинг шароитимизда энг ҳосилдор бўлган кузги ғаллага ажратилди. Бу экинлар 115 минг гектардан кўпроқ ерга экилди.

Ҳосилдорликни ошириш дон хўжалигида асосий резервдир. **Биз бу йил бутун экин майдонида гектаридан камида 200 пуддан дон олиш учун курашишга аҳд қилдик.** Гектаридан 32 центнердан кузги буғдой йиғиб оламиз.

Дон учун экиладиган маккажўхори 30 минг гектар ерни эгаллайди, 12 минг гектар майдондаги маккажўхорини уруғлик учун етиштирамиз. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун 18 минг гектар ерга маккажўхори экилади, бу ерлардан биз 45 центнердан дон оламиз, шу жумладан уч минг гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан, беш минг гектар ернинг ҳар гектаридан эса 50 центнердан маккажўхори дони йиғиб оламиз.

Нўхат экиладиган майдонни ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кенгайтирамиз, бу майдонларни 5.400 гектарга етказамиз ва ҳар гектаридан 25 центнердан дон етиштирамиз.

28 минг гектар ерга қанд лавлаги экиб, ҳар гектаридан 300 центнердан саноатбоп қанд лавлаги олиш учун курашамиз. Бизнинг хўжаликларимиз кекса селекционер В. С. Пустовойт етиштирган сермой кунгабоқар сортларини экмоқдалар. 16 минг гектар майдонда ана шу қимматли экиндан гектар бошига 20 центнердан ҳосил йиғиб оламиз.

Бизнинг сахий Кубань тупроғимизда ҳам мўл ҳосил ўз-ўзидан бўлмайди. Мўл ҳосил олиш учун қунт билан кўп меҳнат қилиш керак. Биз, даставвал, ҳосилдорлик соҳасидаги ҳархилликни, яъни бир хил шароитнинг ўзида колхозлар ва совхозларда маҳсулот етиштиришдаги тафовутни тугатишимиз керак. Масалан, «Кубань» ва «Победа» колхозларини олиб кўрайлик. Бу колхозлар катта майдонларда гектаридан 38-39 центнердан буғдой олмоқдалар. Айни вақтда «Родина», «Красний партизан», Калинин номли колхозлар атиги 23-25 центнердан буғдой олмоқдалар. Шундай қилиб, бир гектар ердан олинадиган дон ҳосили илғор колхозлар билан қолоқ колхозлар ўртасида 14-15 центнер тафовут қилмоқда. Ҳамма хўжаликлар илғорларга тенглашганларида, айтайлик, «Кубань» колхозидагидек иш олиб борсалар эди, бизнинг Усть-Лабинск бошқармамиз кузги буғдойнинг яллиғ ҳосилини 3 миллион 600 минг пуд оширган бўлур эди. Бизнинг ана шунақа резервларимиз бор.

Биз ўтган йил якунларини анализ қилиб, бизда донинг яллиғ ҳосили анча кўп бўлиши мумкин эди, деган фикрга келдик. Кўпгина хўжаликлар маккажўхоридан мўл ҳосил етиштира олмадилар. Об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлигини дастак қилиш важ бўлолмайди. Худди шундай шароитдаги ернинг ўзида илғорлар анча кўп ҳосил етиштирдилар-ку, ахир. «Кубань» колхозидаги Федор Коленов звеноси 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,7 центнердан дон йиғиб олди. Киров номли колхозда Л. Боганчук, Тимирязев номли колхозда Л. Чинченко звеноларн маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар. Маккажўхори далаларининг ҳаммасида ана шундай ҳосил етиштирилганида эди, бошқарма хўжаликлари қўшимча равишда уч миллион пуд маккажўхори дони олган бўлур эдилар.

Бу йилги қўклам биз, деҳқонлар учун жиддий синов, мўл ҳосил учун курашда жуда муҳим босқич бўлади. Қишлоқ меҳнаткашларининг бутун куч-ғайрати экин кампаниясини шай бўлиб кутиб олишга ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилгандир. Ҳозир ҳар бир хўжаликда иш планлари тузилмоқда, далаларнинг конкрет шароитига ва йилнинг хусусиятларига мос келадиган агротехника тадбирлари комплекси ишлаб чиқилмоқда. Дала ишлари сифатини контроль қилишга, бутун техникадан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Механизаторлар машиналарни агрегат қилиб ишлатишни кенг қўлланишни, жадал тезликда ишлашни мўлжалламоқдалар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқа ишлар учун 340 трактор бўшатиб бериш имконини туғдиради.

Ўтган йилларда бўлганидек, бу йил ҳам ердан фойдаланишда, экинларни парвариш қилишда эгасизликка қарши қатъий кураш олиб борамиз. Бизда ҳар бир даланинг ўз хўжайини бўлади. Чопиқ қилинадиган экинларни парвариш қилиш учун механизациялаштирилган 83 звено ташкил этилди. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини синаш Кубань институтининг звено бошлиғи В. Первицкийдан намуна олиб, маккажўхори 21 минг гектар ерда қўл меҳнатидан фойдаланмасдан етиштирилади.

Бизнинг кўп йиллик тажрибамиз ҳосилнинг олтин фонди — уруғликлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш зарурлигидан далолат беради. Хўжалик сифатсиз уруғлик экса, у ҳеч қачон яхши натижаларни қўлга киритта олмайди. Юксакроқ погонага кўтарилмоқ, хўжаликни бошқаришнинг олий даражасига ўтмоқ учун сифат жиҳатдан энг яхши уруғликларни олиш, маҳаллий шароитда энг мўл ҳосил берадиган буғдой, маккажўхори, кунгабоқар, қанд лавлаги ва бошқа экинларнинг маҳсулдор сортларини танлаб олиш керак. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларимиз деярли ҳамма майдонларга кузги буғдойнинг «Безостая-1» деган ажойиб пахлавон сортини экдилар. Бу сортни машҳур Кубань селекционери, Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги П. П. Лукьяненко етиштирган. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маккажўхори экиладиган майдонларга серҳосил «ВИР-42» ва «ВИР-156» гибридларини экамиз.

(Давоми иккинчи бетда).

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотний Мирзачўлдаги 6-совхозда донгдор пахтакорлар Инобат Охунова ва Эшпўлат Жумаевлар билан суратга тушди.
А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

1963 ЙИЛДА ДОН ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

(Боши биринчи бетда)

Илғор агротехникадан фойдаланмасдан туриб, яхши ҳосил олиш мумкин эмаслигини ҳар бир галлакор билади. Шу сабабли, биз ерни ишлаш сифатини яхшиламоқдамиз, экинларни пухта парвариш қилмоқдамиз. Кузги бошоқли экинлар ярим шудгор қилинган массивларда икки томонлама диагональ-кесма усулида уруғликни ошириган нормада сепиш тарзида экилди. Куз фаслида 50 минг гектар ердаги кузги бугдойзор минерал ўғит билан озиқлантирилди. Қиш фаслида қун исиган пайтларда ва эрта кўкламда яна 20 минг гектар ердаги кузги экинларни озиқлантирамиз. Хўжаликлардаги ҳамма баҳорикор экин майдонлари барвақт сифатли шудгор қилиб қўйилди. Маккажўхори экиладиган участкалар олдиндан икки марта юмшатилди ёки икки марта ҳайдаб қўйилди.

Халқда: «Ер тўйса, эл тўяди» деган мақол бор. Қоратупроқли Кубань ерлари ўғитга муҳтож эмас, деган аввалги тасаввурларни биз аллақачоноқ улоқтириб ташлаганмиз. Колхозлар ва совхозлар далаларга йил сайин кўпроқ гўнг ва компост солмоқдалар.

Маҳаллий ўғитлар тайёрлашни кенг миқёсда йўлга қўйиш ва ундан тўғри фойдаланишни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир комплекс бригада бу иш юзасидан конкрет план тузиб олган. Ўтган йил кузда биз маккажўхори ва қанд лавлаги учун ажратилган массивларга 282 минг тонна гўнг чиқариб солдик. Далаларда заводда тайёрланган гўнг сочувчи машиналардан ҳамда қишлоқ усталари ясаб берган турли мосламалардан фойдаланилмоқда.

Чорвачиликнинг ривожланиш суръатлари юксак бўлган, чорва моллар туёғи тез ўсаётган хўжаликларда маҳаллий ўғит тайёрлаш муттасил кўпаймоқда. Никита Сергеевич Хрушчевнинг қуйидаги гаплари жуда тўғри гаплардир: «Кимда чорва бўлса, унда ўғит ҳам бўлади; кимда ўғит бўлса, унда ҳосил ҳам мўл бўлади. Бинобарин, деҳқончиликни ҳам, чорвачиликни ҳам ҳар тарафлама ривожлантириш керак, чунки чорвачилик ривожлантирилмаса, ўғит бўлмайди, гўнгсиз мўл ҳосил етиштиромайсан».

Бу иборада деҳқоннинг доноliги, ҳаракатларимизнинг программаси ифодаланган!

Чорвачиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашнинг зарбдор участкасидир. Биз дон етиштиришни кўпайтириш чазифасини ҳал этар эканмиз, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ана шу муҳим тармоғи ҳақида доимо ғамхўрлик кўрсатмоқдамиз. Қишлоқ меҳнаткашлари шаҳарларни ва саноат марказларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туриш бизларнинг куч-ғайратимизга ва маҳоратимизга, ишнинг кўзини билиб қунт билан ишлашимизга боғлиқ эканлигини яхши биладилар.

Бизда намуна бўла оладиган илғор хўжаликлар жуда кўп. «Ладожский» совхозининг чорвадорлари ўз ем-хашаклари билан мол боқиб, ҳар юз гектар ҳайдалади ган ер ҳисобига сўйилган вазнда 85 центнердан ва бошқа экин майдонларининг ҳар юз гектари ҳисобига 18 центнердан гўшт етиштирадилар. Крупская номли, «Кубань», «Завети Ленина» колхозлари гўшт етиштириш юзасидан биринчи маррага жуда яқинлашиб қолдилар. Илғорларнинг муваффақиятлари жамоат чорвачилигини ўстиришнинг катта имкониятлари борлигини яққол кўрсатиб турибди.

Биз илғор тажрибага таяниб, чорвачиликни янада юксалтиришга эришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. 1963 йилда Усть-Лабинск бошқармасининг колхозлари ва совхозлари ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига сўйилган вазнда 60 центнердан гўшт етиштирадилар. Хўжаликларимиз ҳар юз гектар ер ҳисобига 245 центнердан сут оладилар.

Бошқарма хўжаликлари давлатга 19,2 минг тонна, яъни ўтган йилдагига нисбатан 2,6 минг тонна кўп гўшт, 56,1 минг тонна сут, яъни ўтган йилдагидан 13 минг тонна кўп сут сотадилар: 32,5 миллион дона тухум сотамиз.

Бизнинг ҳамма ҳисобларимиз ва планларимиз муваффақият қозонишга қатъий ишончга асосланган дир. Бу ҳисоблар ва планлар ферма меҳнаткашларининг конкрет ишлари билан мустаҳкамланмоқда. Бошқарма хўжаликларида 105 минг қорамол, шу жумладан 37 минг бош сигир, 158 минг чўчқа, 49 минг қўй бор. Йил давомида 23 минг бош қорамол, 145 минг чўчқа, 1,3 миллион паррандани бўрдоқига боқиб, давлатга сотамиз. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Украина қишлоқ хўжалик ходимларининг 1961 йил декабрдаги кенгашида ҳар икки гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига юз килограмм вазнли камида битта чўчқани боқиб семиртириш ва давлатга сотишга даъват этган эди. Биз бу чақириқни қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Биз бу йил ҳар уч гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига иккитадан чўчқа боқиб семиртиришни мўлжалламоқдамиз. Давлатга топширилиши керак бўлган қорамол махсус группаларга ва фермаларга ажратиб қўйилди. Сут согиб олишни кўпайтириш мақсадида фермаларда сигирларнинг маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни табақаларга ажратиб боқиш ташкил этилди. Молларга едириш учун маккажўхори силоси ва қанд лавлагидан кенг фойдаланмоқдамиз, дағал хашакларни молга бериш олдидан яхшилаб тайёрлаймиз.

Ем-хашак базаси ҳақида биз алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдамиз. Ем-хашак мўл бўлса, мол ҳам тўқ, гўшт ва сут ҳам мўл бўлади. Экин майдонлари структурасининг қайта қурилиши ем-хашак етиштиришни анча кўпайтиришга ёрдам берди. Лекин бу — ишнинг бошланишигина, холос. Маккажўхори асосий ем-хашак экини бўлиб қолмоқда. Маккажўхорининг асосий ва такрор экиладиган майдонларини 80 минг гектарга кенгайтирамиз. Молларга едириш учун қанд лавлаги, дуккакли дон экинлари майдонларини кенгайтирамиз.

Ҳар бир гектар ердан тўла ва унумли фойдаланамиз. Ердан моҳирлик билан, ишнинг кўзини билиб фойдаланилса, кўпгина қўшимча маҳсулот олиш мумкин. Ем-хашак экинларининг бир қисмини — 700 гектарга яқинини темир йўллар ва тош йўллар четидаги «бўш» ерларга, томорқа фондидаги бўш ётган ерларга экишга қарор берилди. Молларга едириш учун дуккакли дон экинлари ва полиз экинларини ёш боғларнинг қатор оралариға экишни мўлжалламоқдамиз. Бу тадбир амалга оширилганда қўшимча равишда ўн минглаб центнер озуқа бирлиги беришни мумкинлиги ҳисобланмоқда.

Бошқармамиздаги бир қанча хўжаликларнинг иш тажрибаси ем-хашак экинларини такрор экиш бизда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ишида жиддий резерв эканлигини кўрсатмоқда.

Биз бу манбага 1963 йилда ҳам катта эътибор бермоқдамиз.

Биз ўз тадбирларимизда молга едириш мақсадида дуккакли дон экинлари, қанд лавлаги ва бошқа бир қанча экинларни барвақт экиб, улар ўриб-йиғиб олинганидан кейин, июнь ойининг биринчи ярмида ана шу майдонларга молга едириш мақсадида маккажўхори экишни белгилаб қўйдик. Ем-хашак экинларини биз кузги арпани ўриб-йиғиб олгандан кейин ҳам такрор экамиз. 1963 йилда такрор экин экиладиган майдонлар бошқарма колхоз ва совхозларида 45,7 минг гектарни ташкил қилади.

Далаларда ва фермаларда меҳнатни ташкил қилиш маҳсулот таннархини пасайтириш учун кўраш ҳар бир хўжалик экономикасини мустаҳкамлашда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз 1963 йилда меҳнат унумдорлигини умуман бошқарма бўйича 9-10 процент ошириш ва маҳсулот таннархини кескин пасайтиришга қарор қилдик. Хўжаликни бошқаришнинг синалган методи хўжалик ҳисобидир. Ҳозироқ 16 колхозда хўжалик ҳисоби жорий қилинган, бу йил эса бу усулни яна саккиз хўжаликда жорий қиламиз. Эндиликда ҳамма хўжаликлар топшириқ ва ҳақ тўлашнинг илмий ва техника жиҳатидан асосланган нормаларини жорий қилмоқдалар.

Бошқарма хўжаликларида ҳозир маъмурий-бошқарув ходимларининг штатлари қайта кўриб чиқилмоқда. Аппаратдаги ортиқча звеноларни бутун чоралар билан қисқартириш йўли тутилмоқда. Конторалар ва идоралардан 540 киши бўшатилиб, бевосита ишлаб чиқаришга юборилди. Бу эса йилига 400 минг сўм тежам беради. Майда ишлаб чиқариш бригадаларини ва фермаларини йириклаштирмоқдамиз.

Хўжаликларимизда галлакорлар, чорвадорлар, механизаторларнинг юксак кўрсаткичларга эришишдан моддий манфаатдорлиги принципига қатъий риоя қилинмоқда. Яхши меҳнат учун оширилган иш ҳақи тўлансин! Бизда колхозчилар ва совхоз ишчиларини қўшимча моддий рағбатлантириш учун қўлланилаётган системанинг шиори ана шундан иборат. Маккажўхори ва қанд лавлаги етиштирилган бўйича механизациялаштирилган звеноларда, шунингдек кўпгина чорвачилик фермаларида меҳнатга аккорд-мукофот усулида ҳақ тўлаш жорий қилинмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий активлигини ривожлантиришга, хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлашга, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг фаровонлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Бизда чорвачилик соҳасида комплекс механизацияни жорий қилиш юзасидан, етиштириладиган ҳар бир центнер маҳсулот учун харажатларни қисқартириш юзасидан катта иш олиб борилмоқда. Биз сигирларни боғламасдан боқиш, чўчқаларни катта группаларга ажратиб боқиб семиртириш сингари прогрессив методларни янада кенгроқ жорий қилишни мўлжалламоқдамиз. Бу йил 52 та сут соғиш агрегатини қурамиз. Ҳар бири тўрт минг чўчқага мўлжалланган саккизта механизациялаштирилган чўчқахона, саккизта механизациялаштирилган паррандахона қурилади. Паррандахоналарда бир паррандабоқар саккиз-ўн минг паррандани боқа олади.

Бошқарма хўжаликларида ихтисослаштирилган чўчқачилик фермалари вужудга келтирилмоқда. Бир хил фермаларда чўчқа болаларини парвариш қилиш йўлга қўйилади, бошқа бир хил фермаларда эса чўчқалар боқиб семиртирилади. Наслчилик ишига, моллари сунъий қочиришни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор берамиз. Еш молларнинг ҳаммасини тўла сақлаб қолиш, молларни боқиб семиртиришда уларнинг вазнини ошириш учун антибиотиклардан, биостимуляторлардан, тўқима препаратларидан фойдаланамиз. Хўжаликларда ҳозироқ антибиотик ишлаб чиқарадиган тўртта цех ишлаб турибди.

Биз олға қараб катта қадам ташлаш, белгиланган маррани эгаллаш шубҳасиз қийин вазифа эканлигини жуда яхши тушунамиз. Шу сабабли, ҳозироқ вақтни бой бермасдан, ҳар бир қолхоз ва совхозда астойдил, бутун кучни сарфлаб меҳнат қилиш керак. Яхши ишлаш керак, деган сўзнинг маъноси нима? Бунинг маъноси, Никита Сергеевич Хрушчев жуда тўғри айтганидек, қўлга қалам олиб ҳисоблаб чиқишдангина иборат эмас (бусиз ҳам иш битмайди), балки энг муҳими — кишиларни сафарбар этишдан, уларнинг ғайратини оширишдан, уларнинг ўз кучларига ишончини кучайтиришдан иборатдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир киши ўзига топширилган участкада фидокорона меҳнат қилиши, ташаббус ва моҳирлик кўрсатиши керак.

Қадрли ўртоқлар!

Биз қабул қилган мажбуриятлар қишлоқдаги ҳар бир меҳнаткаш зиммасига юксак мажбурият юклайди. Ўз ваъдамизни шараф билан бажармоғимиз учун партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари тер тўкиб, ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб боришлари керак. Ишлаб чиқариш бошқармасининг партия комитети, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан энг муҳим ишларни бажаришга киришдилар. Биздаги деярли ҳамма колхоз ва совхозларга олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассислари бошчилик қилмоқдалар. Эндиликда биз бригадаларга ҳам зоотехниклар ва агрономлар бошчилик қилишларига эришиш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Қиш кунларида ҳамма ўқиш-ўрганиш билан машғул бўлди. Хўжаликларнинг раҳбарлари, кўпгина мутахассислар район қишлоқ хўжалик билимлари университетида шуғулланмоқдалар. Бригадирлар, ферма мудирлари, звено бошлиқлари 210 та иқтисодий мактабда ўқимоқдалар. Колхозларда илғор тажриба мактаблари ишлаб турибди. Ҳамма хўжаликларда кишиларга механизаторлик ихтисосини ўргатиш ташкил этилди. Маккажўхори ва қанд лавлаги етиштирувчи ўнлаб звенолар донгдор мўл ҳосил усталари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари В. Первицкий ва В. Светличний тажрибасини ўрганмоқдалар.

Бригадаларда ва фермаларда янги марраларни қўлга киритиш учун социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Оддий колхозчилар ва совхоз ишчилари иштирокида мажбуриятларнинг бажарилиши ўзаро текширувдан ўтказилмоқда. Тажриба алмашиш мақсадида деҳқонларимиз ва чорвадорларимиз илғор фермаларга, энг яхши бригадалар ва хўжаликларга бормоқдалар. Кишиларни ишонтиришда намуна кучидан ҳам зўрроқ куч йўқ!

Коммунистик ўзаро ёрдам бизда тобора оммавий тус олмоқда. Илғор хўжаликлар қолоқ хўжаликларга оталиқ қилмоқдалар. Энг яхши фермалар, бригадалар ва звеноларга илғорлар даражасига етиб олишда қолоқларга ёрдам кўрсатмоқдалар. «Бир-бирингни қўлласанг, ғалаба сеники бўлади» деган мақол жуда тўғри мақолдир. 1963 йилда бирорта ҳам иқтисодий жиҳатдан заиф хўжалик қолдирмасликни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймоқдамиз.

Қадрли ўртоқлар!

Биз сизларни — колхозчилар ва совхоз ишчилари, қишлоқ коммунистлари ва комсомоллари, мутахассислар, қишлоқлардаги барча меҳнаткашларни Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун умумхалқ курашини авж олдиришга чақирамиз. Етти йилликнинг бешинчи йили деҳқончилик ва чорвачиликни қудратли юксалтириш йили бўлсин. Мўл ҳосил етиштириб, совет кишиларини қувонтирайлик! Ана шу олижаноб мақсад йўлида ҳар қанча меҳнат қилсанг арзийди!

Қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини умумхалқ контроли остига олайлик. Йил охирида голибларни: ўз ваъдасини шараф билан бажарган энг яхши колхозлар ва совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, областлар, ўлка ва республикаларни бутун мамлакат билиб олмоғи учун мусобақани якунлайлик.

Бутун кучимиз, ғайратимиз ва илҳомимизни, меҳнатимиз ва ақлидрокимизни жонажон Коммунистик партия Программасини муваффақиятли амалга оширишга бўйсундирайлик. Коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга муносиб ҳисса қўшайлик, мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўлкўллигини вужудга келтирайлик!

МАКТУБ КРАСНОДАР ЎЛКАСИ УСТЬ-ЛАБИНСК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ КОЛХОЗЧИЛАРИ ВА СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ ИИҒИЛИШЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ВА ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.



Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларнинг пахтанорлари Уруғсой массивини ўзлаштиришга киришдилар. Ўтган йил бу массивдан 387 гектар янги ер очилиб, ингичка толали пахта етиштирилган эди. Бу йил яна 400 гектар ер очилади. Етти йилликнинг охиригача бу массивдан 3000 гектар қўриқни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. СУРАТДА: Жданов номли колхознинг Уруғсой массивида қурилган янги посёлкаси.

А. Ким фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЗЎР СИЁСИЙ АКТИВЛИК ВА МЕҲНАТ ҒАЙРАТИ ВАЗИЯТИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Политотдел» колхозининг клубида кўп кишилик сайлов олди йиғилиши бўлди. Колхоз агрономи Андрей Пак хўжалик меҳнаткашлари номидан гапириб, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Никита Сергеевич Хрушчевни** Борданкўл сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди. Колхоз экономисти Матвей Хван бу таклифни қувватлаб чиқди. Чорвачилик фермаларининг мудири Сан Фир Ким Борданкўл сайлов округидан колхоз ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчиси, колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ман Гим Хванни** ҳам республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Шундан сўнг сўзга чиққан мамлакатнинг донгдор маккажўхорикори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Ли, каноп дан мўл ҳосил етиштириш устаси К. Эргашев, колхоз партия ташкилотининг секретари Василий Пак сўзга чиқиб, бу номзодларни қувватладилар.

Йиғилиш КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевни ва Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Политотдел» колхозининг раиси Ман Гим Хванни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Охунбобоев номли колхоз аъзолари Чиноз сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Фрол Романович Козловни** ва шу хўжаликнинг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизатор, ўтган йил машинада 162 тонна пахта терган **Турсуной Раимовани** номзод қилиб кўрсатдилар.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Полярная звезда» илғор колхозининг кўп кишилик сайлов олди йиғилиши Охунбобоев сайлов округидан депутатликка номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссияси раиси **Николай Михайлович Шверникни** ва «Полярная звезда» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ким Пен Хвани** якдиллик билан кўрсатди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Киров номли колхозда бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишининг қатнашчилари Киров сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Анастас Иванович Микоянни** ва Киров номли колхоз аъзоси **Мастура Ортиқовани** кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Малик» совхозининг юзлаб меҳнаткашлари сайлов олди йиғилишида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Анастас Иванович Микоянни** ва «Малик» совхозининг пахта териш машинаси механик-ҳайдовчиси **Тўхтахон Қиргизбоевани** Малик сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхози сайлов олди йиғилишининг бир овоздан қабул қилинган қарорида Октябрь сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Андреевич Суслов** ва Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи **Тўйчи Аҳмедов** тавсия қилинди.

«Голодностепгэсстрой» механизаторларининг кўп кишилик йиғилиши Янгиер сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссияси раиси **Николай Михайлович Шверникни** ва «Голодностепгэсстрой»нинг энг яхши бульдозерчиси **Тожи Маҳмудовни** якдиллик билан номзод қилиб кўрсатди.

Янгийўл гидролиз заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Янгийўл шаҳар сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Алексей Николаевич Косыгинни** ва Янгийўл гидролиз заводининг қозон машинисти **Юсупбой Турсунбоевни** кўрсатиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг сайлов олди йиғилиши зўр ажиллик вазиятида ўтди.

Мартен цехи бошлиғининг ўринбосари Ботир Аббосовнинг Металлургия сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Дмитрий Степанович Полянскийни** кўрсатиш ҳақидаги таклифини йиғилиш қатнашчилари маъқуллаб кутиб олдилар.

Лист станининг мастери Борис Грошев Д. С. Полянскийнинг номзодини қувватлаган ҳолда, завод прокат цехининг лист стани мастери **Қурбонали Тошматовни** республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Қурбонали Тошматов етти йилликнинг тўртинчи йили топширигини Ўзбекистон металлургия заводининг лист стани мастери Қурбонали Тошматовни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Андижон областининг корхоналари, колхоз ва совхозларида бўлаётган сайлов олди йиғилишларида меҳнаткашлар республика Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатмоқдалар. Андижон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Тельман номли колхоз дала меҳнаткашларининг йиғилиши активлик билан ўтди. Бу ерда йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида Олтинкўл сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчев** номзод қилиб кўрсатилди. Андижон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Тельман номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Марямхон Йўлдошевани** шу округдан депутатликка номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклиф ҳам қизғин маъқуллаб кутиб олинди.

Темир йўл сайлов округи меҳнаткашларининг Андижон ёғмой комбинатида бўлиб ўтган йиғилишида республика ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Фрол Романович Козлов** якдиллик билан кўрсатилди. Совун пиширш цехининг технологи Тўлқин Камолов йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида ёғ-мой комбинатининг старший экстрактторчиси, коммунистик меҳнат зарбдори **Гулом Абдуллаевни** ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Андижондаги «Коммунар» заводи коллективининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси **Андрей Павлович Кириленкони,** шунингдек «Коммунар» заводининг директори **Неъматжон Муродовни** Панфилов сайлов округидан депутатликка номзод қилиб кўрсатди.

«Узсельхозтехника» Балиқчи район бўлими коллективининг сайлов олди йиғилишида Чинобод сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Алексей Николаевич Косыгин** ва шу бўлимнинг электр пайвандчиси **Садриддин Абдураҳимов** кўрсатилди.

Избоскан ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Партия XX съезди» колхози механизаторлари нинг йиғилиши Пойтуг сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Алексей Николаевич Косыгинни** ва Янгийўл гидролиз заводининг қозон машинисти **Юсупбой Турсунбоевни** кўрсатиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Намангандаги Гагарин номли тикув фабрикаси механизаторларининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Анастас Иванович Микоянни** ва шу колхозчи-трактористи **Ойшахон Сотиболдиевани** Сардоба сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

Наманган шойи тўқиш фабрикасининг коллективи Чуқурқўқа сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Геннадий Иванович Вороновни ва шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси **Мавлудахон Камоловани** номзод қилиб кўрсатдилар.

«Андижон» нефть конининг коллективи Ленин сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Дмитрий Степанович Полянскийни** ва илғор нефтчи, телемеханикалаштирилган участканинг диспетчери **Абдулла Содиқовни** кўрсатди.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Фарғона областининг корхоналари, қурилишлари, колхозлари, совхозлари ва муассасаларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилишлари давом этмоқда.

Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Димитров номли колхоз меҳнаткашлари Чимён сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва ўз колхози етакчиси — шу колхознинг раиси **Ҳамид Аҳмедовни** якдиллик билан кўрсатдилар.

Ленинград ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ултарма қишлоқ Советидаги «Коммунизм» колхози аъзоларининг йиғилишида Ултарма сайлов округидан республика ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Андреевич Суслов** ва Ленинград ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари **Насриддин Охунов** кўрсатилди.

Фарғона ёғ-мой комбинатининг коллективи Ленин сайлов округидан республика парламенти депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Андреевич Сусловни** ва ёғ-мой комбинати қуйилма идиш цехининг бригада бошлиғи **Тожиали Жўраевни** номзод қилиб кўрсатди.

Фарғонадаги Улуғбек номли педагогика институтининг студентлари ва профессор-ўқитувчилари ўз йиғилишларида Октябрь сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Николай Викторович Подгорнийни** ва колхоз бригада бошлиғи **Ўринжон Сатимовани** кўрсатдилар.

Ленинград ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Чуқўприк қишлоқ Советидаги «Коммунизм» колхози аъзоларининг йиғилишида Чуқўприк сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Дмитрий Степанович Полянскийни** ва шу колхоз раиси **Мирзаахмад Деҳқоновни** номзод қилиб кўрсатди.

Поп ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Охунбобоев номли совхоз коллективи Данғара сайлов округидан республика ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб КПСС, Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Алексей Николаевич Косыгинни** ва совхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи **Зулайхо Ҳакимовани** кўрсатишга қарор қилди.

Киров ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ленин номли колхоз меҳнаткашлари Қайнар сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссиясининг раиси **Николай Михайлович Шверникни** ва шу колхоз раиси **Писолатой Эргашевани** ўз номзодлари қилиб кўрсатдилар.

Поп ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ленин номли колхоз аъзолари Ғурумсарой сайлов округидан республика парламенти депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Фрол Романович Козловни** ва Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Турсун Қамбаровни** кўрсатишга қарор қилдилар.

Марғилон ипак комбинати коллективининг йиғилишида Коминтерн сайлов округидан республика ҳокимияти олий органи депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Анастас Иванович Микоянни** ва колхоз раиси **Аҳмаджон Одиловни** якдиллик билан кўрсатдилар. (ЎзТАГ).

Шўр ювиш муҳим агротехника тадбирларидан биридир. Ғижduвон районидаги «Зарафшон» колхози аъзолари ерларнинг шўрини агротехника қоидалари асосида сифатли ювиётганликлари туфайли ҳар йили пахтадан мўл ҳосил олмоқдалар. СУРАТДА: пахта майдонларининг шўрини ювиш пайти.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қизил Ўзбекистон да босилган кейини

«ОЧИЛ ДАСТУРХОН»

Самарқанд область, «Фориш» совхозининг паррандачилик фермаси мудири Сарабек Ҳикматовнинг айрим шахслар билан тил бириктириб товуқларни талон-торож қилаётгани ва совхоз ишчиларининг бу ҳақдаги сигналларига совуқ Фориш район раҳбарлари бепарво қараганини шу сарлавҳали хабарда танқид қилинган эди.

Яқинда Жиззах район халқ бош судьяси ўртоқ А. Каримовдан қуйидаги жавоб хати олинди:

«Фориш» совхози паррандачилик фермаси мудири Сарабек Ҳикматовнинг жиноий иши шу йил 18 январда халқ суди мажлисида кўрилди. Суд процессида қўшимча фактлар ҳам очилди. Ҳикматов мудирлик даврида совхознинг 4059 товуғини еб юборган ва давлатга 6900 сўм зарар етказган. Совхоз маъмурияти ферма ишини назорат қилмаган. Бунинг устига совхоз маъмурияти Ҳикматовга 445 сўм мукофот ҳам берган.

Суд ҳукми билан Сарабек Ҳикматов 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Совхозга етказилган зарарни ва алдамчилик йўли билан олган пулни айбдордан ундиришга қарор қилинди. Унинг ҳамтовоқлари устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

ВАТАНГА 12 МИЛЛИОН ПУД ДОН ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДАН

Мамлакатимиз ўтган йиллар ичида дон хўжалигини ривожлантиришда маълум ютуқларга эришди. Биз қўриқ ерларни ўзлаштиргач ва маккажўхори экишни кенг кўламда жорий қилгач, дон етиштириш ва тайёрлашни кескин кўпайтириб, мамлакатнинг донга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондира бошладик. Лекин вазиятга сергаклик билан баҳо бериш, экономикадаги жиддий ўзгаришларни кўра билиш керак. Донга бўлган эҳтиёжлар шу қадар ошиб кетдики, агар биз бугун эришилган даражада тўхтаб қолсак, эртага катта-катта қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин. Шу сабабдан партия дон етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш йўлини қатъий амалга ошириши лозим.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

САЛМОҚЛИ ЯКУНЛАР

Ғаллачилик республикамиз қишлоқ хўжалигида салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозлари она-Ватанга йил сайин кўп пахта, гўшт, сут, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бир кагорда кўплаб дон ҳам етказиб бермоқдалар. Ғаллакорларимиз мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчилик яратишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Серқуёш Ўзбекистон давлатга пилла, қорақўл тери, луб экинлари маҳсулотлари, сабзавот, гўшт ва тухум сотиш 1962 йил планларини анча ошириб бажарди. Ўтган йили 1961 йилдагига нисбатан анча кўп сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

Ғаллакорларимиз ҳам 1962 йилги яхши якунладилар. Ўтган йили давлатга қариб 10 миллион пуд дон сотилди. Бу — 1961 йилдагидан анча кўпдир. Ўзбекистон ғаллакорларининг ана шу муваффақияти КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу табрик ғаллакорларнигина эмас, балки республикамиздаги барча меҳнаткашларни бениҳоя қувонтирди ва янгидан-янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам ғаллакорларимиз бултур мақташга сазовор иш қилишди. Йирик ғаллакор Самарқанд областининг Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасидаги 1-«Ғаллаорол» совхози ўтган йили 20360 гектар лалмикор ернинг ҳар гектаридан 9,6 центнердан дон олди. Совхозда пландаги 169 минг центнер ўрнига 192,9 минг центнер дон етиштирилди. Бир центнер маҳсулот етиштиришга пландаги 5 сўм 20 тийин ўрнига 4 сўм 25 тийин сарфланди. Сурхондарё область, Шаҳрисабз районидаги «Партия XX съезди». «Қизил шарқ» ва Калинин номли колхозларда арпадан энг юқори ҳосил олинди. Уруғлик участкаларида ҳосилдорлик бир йилда биряримикки баравар ошди.

«Қизил Ўзбекистон» газетасида аввал хабар қилинганидек, республика ғаллакорларининг Самарқанд областида бўлиб ўтган кенгашида илғорлар қўлга киритаётган бу ютуқлар дон етиштириш соҳасида етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришга имкон бераётганлиги кўрсатиб ўтилди. Етти йилликнинг дастлабки тўрт йилида планда кўзда тутилганидан 137 минг тонна кўп дон етиштирилди. 1962 йилда 90 колхоз ва совхоз гектаридан 25 центнердан ошириб, шу жумладан 27 хўжалик 40 центнердан маккажўхори дони олишга муваффақ бўлди.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Пешқадам хўжаликларда экишни кузда ва баҳорда эрта муддатларда, юксак агротехника қоидаси асосида ўтказишга алоҳида эътибор берилади. Ҳамма майдонларга яхши саралангган уруғлар экилади, техникадан ва ишчи кучларидан тўла ва унумли фойдаланилади. Кузги арпа ва буғдой экишга август ойида, баҳори дон ва дон-дуккакли экинлар экишга январь ойи охирларида киришилади. Уруғ чуқур эгатлар ичига ташланади. Бу эса экишдан кейин ёққан ёмғир сувининг эгатда кўп тўпланишига, уруғнинг яхши униб чиқишига имкон беради. Ҳар-бир квадрат метр ерда 250-300 туп кўчат бўлади. Натижада гектарларда ўсимлик нормал қалинликда сақланади ва тупроқнинг ўз намига тез ривожланади ҳамда ҳосилдор бўлиб ўсади. Бу агротехника тадбирлари ҳар йилдагидек ўтган йили ҳам дон етиштиришни кўпайтиришда ва планни кўнгилдагидек бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ўзбек халқи гуручни жуда севиб истеъмол қилади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Тошкент зона кенгашида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда шоликорликни ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар борлигини таъкидлаб, Сирдарё ва Амударё бўйларидаги бекор ётган ерларга шоли экиш ҳақида яхши маслаҳатлар берган эди. Республика партия ва ҳукумати бунга амал қилиб, ана шу жойларда янги хўжаликлар ташкил эта бошлади. Натижада сўнгги йилларда шолизорлар бирмунча кенгайди. Ўтган йили давлатга аввалги йилдагига қараганда 13.780 тонна кўп шоли сотилди. Йирик шоликор Хоразм области пландан ташқари 13.260 пуд шоли сотиб, социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди.

Қорақалпоғистон АССР даги «Майпп» совхози 1961 йил баҳорида Амударё атрофидаги янгидан ўзлаштирилган ерларда ташкил этилди. Совхоз коллективи шоли уруғини биринчи марта қуруқ ерга механизация воситаси билан квадрат уялаб экди. Ҳамма майдонларда уруғ қисқа вақт ичида текис ундириб олинди. Экин сифатли парвариш қилиниб, бегона ўтнинг кўкаришига йўл қўйилмади. Оқибатда ҳосил мўл бўлди. Ҳар гектар ердан 30 центнерга яқин шоли етиштирилди. Ҳосилнинг асосий қисми комбайн билан йиғиштириб олинди. Совхоз директори ўртоқ **Ким Бон-Су** ғаллакорларнинг республика кенгашида ана шулар ҳақида гапирди.

Хоразм область, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози шолидан республикада энг юқори ҳосил олишга эришди. Бу хўжалик 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 72 центнердан шоли олди. Колхоз агрономи **Борис Ким** рекорд ҳосил олишга қандай қилиб эришилаётганлигини кенгаш қатнашчиларига батафсил сўзлаб берди. Колхозда экин олди ишларини яхши ўтказишга алоҳида эътибор берилади, саралангган уруғ 25 апрель билан 10 май ўртасида экиб олинади. Бу вақтда Хоразм шароитида тупроқ яхши қизиган бўлади, уруғ тупроқнинг ўз намига униб чиқади. Экин ёш чоғида кам сув бериб суғорилади, ўсган сари сув кўпайтириб борилади. Бу эса экиннинг нормал ривожланиши учун шароит яратади. Ўрим-йиғим қисқа вақт ичида ўтказилгани сабабли ҳосил нобуд бўлмайди.

Ўтган йили колхоз ва совхозларда нўхат, нут, мош анча катта майдонларга экилди. Об-ҳаво деҳқончилик учун ноқулай келганлигига қарамай, кўпгина хўжаликларда бу дон-дуккакли экинлардан юқори ҳосил олинди. Фарғона область, Ленинград районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Э. Усмонхўжаев раислик қилаётган «Большевик» колхозида ҳар гектар ердан 23,4 центнердан; Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозида 21,7 центнердан, Фарғона область, Қува районидаги «Коммунизм» колхозида 20 центнердан нўхат олинди.

Агротехника тадбирлари пухта амалга оширилаётган бошқа колхоз ва совхозларда, жумладан, Қорақалпоғистон АССРдаги «Олтинкўл» ва «Партия XXII съезди» совхозларида, Сурхондарё область, Термиз районидаги «Искра», «Пограничник», Тошкент область, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозларида ҳам шолидан, нўхатдан мўл ҳосил олиняпти.

ДОН ЕТИШТИРУВЧИ МАШЪАЛЛАР

Ўз ҳалол меҳнати билан тилларда достон бўлаётган машъал кишилар ғаллакорлар орасида ҳам кўп.

Докладчи — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри **Х. Эргашев** ва сўзга чиққан бошқа ўртоқлар ҳам ана шу машъалларни фахр билан тилга олдилар. Самарқанд областидаги «Ударник» совхозининг ўртоқ Бурҳонов бошқарувчилик қилаётган бўлими 3060 гектар лалмикор ернинг ҳар гектаридан ўртача 12 центнердан ҳосил кўтарди. Бу — совхозда етиштирилган ҳосилдан бир ярим баравар кўпдир. Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг ўртоқ А. Аҳаджонов бошлиқ бригадаси 940 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 13 центнердан бугдой олишга эришди. Хоразм область, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Пак бошлиқ бригадаси 87 гектар ернинг ҳар гектаридан 80 центнердан, ўртоқ С. К. Ан бошлиқ бригадаси 137 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 75 центнердан шоли етиштирди.

Машъалларнинг ўнлаб экспонатлари кенгаш залида ташкил этилган виставкага қўйилган. Булар орасида Фарғона область, Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Сўх» совхозининг ўртоқ Т. Ҳасанов бошлиқ бригадасининг экспонатлари ҳам бор. Бу бригада прогрессив усулларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, ҳамма резервларни ишга солиш йўли билан ҳар гектар ердан 52 центнердан, Бобо Абсаидов бошлиқ бригада эса 73 центнердан маккажўхори дони олган. Шу областнинг Қува районидаги «Социализм» колхозининг ўртоқ Ш. Умаров бошлиқ бригадаси 116 гектар ернинг ҳар гектаридан 1120 центнердан маккажўхори кўкпояси ва 50 центнердан ошириб дон етиштирган. Олтиариқ районидаги «Москва» колхозининг Раззоқ Абдураҳимов бошлиқ бригадаси гектаридан 60 центнердан, Андижон область, Наманган районидаги Тельман номли колхозининг Абдуқаҳҳор Каримов бошлиқ бригадаси 70 центнердан хирмон кўтарган.

Роза Отабоеванинг номи эндиликда республикадаги ҳамма маккажўхорикорларга маълум. Тошкент область, Янгийўл районидаги Калинин номли колхозининг ўртоқ Отабоева бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 1500 центнердан ошириб силосбоп маккажўхори кўкпояси олган. Шу областнинг Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозининг Арслон Отабоев, Фарғона область, Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхозининг Меликўзи Омонов ўртоқлар бошлиқ бригадалари ҳам ҳар йилдагидек маккажўхори кўкпояси ва донидан мўл ҳосил олдилар.

Бундай машъалларни кўплаб кўрсатиш мумкин. Ўтган йили Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида Любовь Линнинг илғор тажриба мактаби ташкил этилиши дон етиштириш илғорларини кўпайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг мактабида таълим олган 400 дан ошиқ колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари Любовь Ли тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этдилар. Маккажўхори уруғини, нўхатни, бошқа дон-дуккакли экинлар уруғларини унинг маслаҳатлари асосида эқдилар, экинни ҳам у айтгандай парвариш қилдилар.

ИШНИНГ ХИРА ТОМОНИ

Докладчи ва музокараларда қатнашган нотиқлар дон етиштиришдаги жиддий камчиликларни қатъий танқид қилдилар. Бир колхоз ёки совхоз ҳар гектар лалмикор ердан 12-13 центнердан арпа ва бугдой, суғориладиган ернинг ҳар гектаридан 20-25 центнердан нўхат, 50-55 центнердан ва ундан ошириб маккажўхори дони олаётгани ҳолда, унга қўшни бўлган бошқа бир хўжалик унинг ярмисича ҳам дон етиштирмаётир. Бунга агротехникага тўғри амал қилмаслик сабаб бўлмоқда. Паст ҳосилли колхоз ва совхозларда экиш кеч муддатларда, кўп ҳолларда сифатсиз ўтказилади. Техника етарли бўлишига қарамай, кўп ишлар қўл кучи билан бажарилади. Ғалла майсалари яхши парвариш қилинмайди. Шу сабабли асосий экин майдонларини бегона ўт босиб, майсаларнинг яхши ривожланишига имкон бермайди.

Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент областларидаги кўпгина колхоз ва совхозларда ғалладан паст ҳосил олинаётганлигининг сабаби ҳам ана шудир. Самарқанд областининг Норпой, Иштихон, Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармаларида ҳосил ўрим-йиғими август ойининг охиригача чўзиб юборилади. Бунинг оқибатида дон иссиқда қовжираб ерга кўплаб тўкилиб ҳобуд бўлиб кетади. Сурхондарё областининг Шаҳрисабз ва Ғузор районларида, Тошкент областининг Янгийўл ва Янгиер ишлаб чиқариш бошқармаларида ҳам ана шундай хатоликларга йўл қўйилмоқда. Шу тариқа дондан жуда паст ҳосил олинмоқда.

Дон экишни узоқ вақтга чўзиб юбориш ҳам ҳосилдорликнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Сурхондарё областидаги «Кўкбулоқ» совхозида экиш 65-70 кунга чўзилиб кетади. Дастлабки кунларда ерга тушган уруғ текис майсалангунча экилмаган ерларнинг тупроғи қуриб кетади. Бу майдонларни қайта суғориш талаб қилинади. Бунинг учун лалмикор ерларда сув йўқ. Шунга кўра хўжаликда планни «бажариш» мақсадида уруғни қуруқ тупроққа ташлаб кетишга мажбур бўлинади. Уруғ унмайди, уни қушлар еб кетади. Айб эса об-ҳавога тўнкарилади. Бундай фактлар оз эмас.

Кузги дон экиладиган майдонларни ёзда, баҳори дон экиладиган участкаларни кузда ҳайдаб қўйиш ҳосилдорликни оширишда муҳим омиллардандир. Шунга қарамай, кўп жойларда бунга етарли эътибор берилмаяпти. Бунинг устига кўп ҳолларда ер сифатсиз ҳайдалади. Тошкент областидаги «Ховос», 2-«Оҳангарон» совхозларида, Сурхондарё областининг баъзи хўжаликларида ерлар саёз шудгор қилинади. Экиш олдидан шудгор тузук юмшатилмайди, уруғ чала-чулпа ташланади. Агротехника қоидасига хилоф равишда ўтказилаётган бу ишлар дондан паст ҳосил олишга сабаб бўлаётир.

Сурхондарё область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ш. Мўминов** лалмикор ерларда алмашлаб экишнинг катта аҳамиятга эга эканлигини фактлар билан сўзлаб берди. Ана шундай жойларда ўтган йили ва ундан олдинги йилларн дон ҳамда дон-дуккакли экинлардан мўл ҳосил олинди. Ғузор ишлаб чиқариш бошқармасининг Деҳқонобод зонасида бундан уч-тўрт йил илгари дондан паст ҳосил олинарди. Авваллари йили бундай майдонларга полиз экинлари экилиб, гектаридан 90 центнердан қовун-тарвуз олинди. Ўзоқ йили кузда қовун-тарвуз ўрнига арпа ва буғдой экилди. Экиш ўз вақтида ўтказилганлиги, тупроқда озуқа моддалари етарли бўлганлиги туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Гектаридан 4-5 центнердан ҳосил олиб келинган ерда ҳосилдорлик 14-15 центнерга кўтарилди. Демак, лалмикор ерларда алмашлаб экишга дадил киришиш керак. Бу тадбирни ўтказиш талаб қилинадиган ерлар Сурхондарё областининг Қарши, Самарқанд областининг Жиззах, Қаттақўрғон ва бошқа ишлаб чиқариш бошқармаларида ҳам кўп.

Донни август ойида экиш ғалла етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Бу тадбир ҳар гектар ердан йилига 20-25 центнердан ҳосил кўтариш имкониятини беради. Тоғ этакларн ва тоғли зоналардаги ерларга донни август ойида бемалол экиш мумкин. Бу вақтда ана шу зоналардаги тупроқда нам етарли бўлади. Лекин бу майдонлар кўп йиллик бегона ўтлардан ҳоли, албатта, март ва апрель ойларида шудгор қилинган бўлиши, майдонлар май ойида қайта ҳайдалиши ва молаланиши шарт. Афсуски, ана шу прогрессив усулнинг ташаббускори бўлган Лалмикор деҳқончилик илмий текшириш институти уни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш соҳасида қаттиқ қўллик қилмаётир. Институтнинг илмий ходими, республикада хизмат кўрсатган агроном **Г. А. Лавронов** ўз сўзида бунга тўла иқрор бўлди. Август ойида экишга биологня жиҳатдан қулай бўлган кузги бугдой, шунингдек техника, ишчи кучлари етарли бўлишига қарамай, институт бу имкониятлардан тўғри фойдаланмаяпти.

Бизда лалмикор ерлар жуда кўп. Лекин бу бойликдан жуда ёмон фойдаланилмоқда. Катта-катта майдонлар ҳайдалмай қолиб кетилади, ер бурчакларидаги экинлар қаровсиз ташлаб қўйилади. Бундай майдонлар ҳар гектарда 10-12 сотихни ташкил этади. Ҳолбуки, бу ерларга ҳам уруғ сепилган, кўплаб дон харажат қилинган бўлади. Самарқанд областидаги йирик ғаллакор хўжаликлардан бири — Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Тимирязев номли. совхоз 1961—1962 йилларда 200 минг сўм, «Зомин» совхози 1961 йилда 369 минг сўм, 1962 йилда 300 минг сўм зарар кўрди. Бироқ бу аҳвол совхоз раҳбарларини заррача ташвишлантирмаяпти. Ана шундай бепарволик оқибатида республикада 1962 йилда 1940 йилдагига қараганда лалмикор ерлардан 400 минг гектар майдонга кам дон экилган.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев яхши саралангган уруғни экмасдан турнб, дондан муттасил мўл ҳосил олиб бўлмаслигини бир неча бор таъкидлади. У айтдики, ёмон уруғдан яхши насл кутма. Бу масалага ҳам республикамизнинг ғаллакор хўжаликларида аҳамиятсизлик билан қараб келинмоқда. Бизда сортли уруғларнинг салмоғи жуда кам. Самарқанд областининг ғаллакор колхозларида 1962 йилда сортли уруғлар 1961 йилдагига нисбатан 9,3 процент кам экилди. Сурхондарё, Тошкент областларида ҳам сортли уруғларни экиш анча камайиб кетди. Бу — ҳосилдорликни оширишга салбий таъсир кўрсатяпти.

Умуман, республикамизда уруғчилик хўжалигининг аҳволи талабга мутлақо жавоб бермайди. Дон йилдан-йилга кўп етиштирилаётганлигига ва план ошириб бажарилаётганлигига қарамай, бошқа республикалардан уруғлик келтиришга мажбур бўлинмоқда. Бунинг сабаби шуки, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг хўжалик раҳбарларининг ўзларини уруғлик билан таъминлаш соҳасидаги жавобгарлигини ошириш тўғрисида 1960 йилда қабул қилган қарорига амал қилмаётирлар. Ана шундай жойларда уруғлик участкаларидан нотўғри фойдаланилмоқда. Сурхондарё областидаги «Бойсун», «Сайроб» совхозларида, Қарши ва Шаҳрисабз районларидаги колхозларда мавжуд уруғлик участкалари ўз-ўзидан йўқотилган.

Ғаллакор хўжаликларда содир бўлаётган катта камчиликлардан бири деҳқончилик маданиятининг пастлигидир. Сурхондарё областидаги «Кўкбулоқ» совхозн ташкил этилгандан бери ҳосилдорлик гектарига уч ярим центнердан ошгани йўқ. Чунки бу ерда техникадан жуда ёмон фойдаланилади, кузги дон экиш плани йилдан йилга бажарилмай қолмоқда. Ғалла ўримида ва донни янчишда талон-торожликка йўл қўйилмоқда. Янчилган дон ўз вақтида ҳисобга олинмайди.

Республикамиз ғаллакорлари олдида етти йилликнинг бешинчи йилида янада улуғвор вазифалар турибди. Бу йил колхоз ва совхозлар дон етиштиришни 58,1 миллион пудга етказишлари, шу жумладан 12 миллион пуд донни она-Ватанга етказиб беришлари керак. Бунинг учун ўтган йили баҳорда арпа, бугдой ва бошқа бошоқли экинлар экишда йўл қўйилган камчиликлар мутлақо такрорланмаслиги лозим эди. Афсуски, бу йил ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Дон экишда ҳозирги қулай об-ҳаводан самарали фойдаланилмаяпти. Ғанимат кунлар бекор ўтяпти. Республикада 300 минг гектар майдонга баҳори дон экилмай турибди. Бунинг кўпи Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент областларидадир. Самарқанд областининг Норпой, Каттақўрғон, Пойариқ ишлаб чиқариш бошқармаларида дон экиш айниқса орқага сурилмоқда.

РЕЗЕРВЛАР ВА РЕЖАЛАР

Дон етиштиришни бир йилда бир ярим баравардан ортиқ кўпайтириш учун экинларнинг структурасини яхшилаш, лалмикор ва суғориладиган ерлардан рационал фойдаланиш талаб этилади. Қўриқ ва партов ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, дон-дуккакли экинлар майдонларини тобора кенгайтириш лозим. Лалмикор ерларда донни ҳамма майдонинг 60 процентига, дон-дуккакли экинларни 8 процентига, силосбоп экинларни ва қовун-тарвузни 10 процентига, мойли экинларни 2 процентига экиш мақсадга мувофиқдир. Шунда гектарига 30-36 центнердан пишиб етилган дон олиш мумкин бўлади.

Энг қимматли озуқа экини бўлган шоли бу йил катта майдонларга экилади. Амударё бўйларидаги бекор ётган ерларни етти йилликнинг бешинчи йилида янада кўпроқ ўзлаштириш, ҳар гектар ердан камида 27-28 центнердан шоли ҳосили олиш тадбирларини кўриш, шу мақсадда уруғни эрта, энг қулай агротехника муддатларида ташлаш, экишда техникадан самарали фойдаланиш, прогрессив усулларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш керак. Шундагина шоли етиштиришни 1963 йилда 1962 йилдагига қараганда икки баравар кўпайтириш имконияти туғилади.

Кенгашда мойли экинлар экиши ҳар йилдагидан кўпайтириш масаласи қатъий қилиб қўйилди. Лалмикор ерларда зиғир ва кунжут экишга эътибор берилмаётганлиги қаттиқ қораланди. Ҳолбуки, бу экинлар лалмикор ерларда, айниқса тоғли зоналарда жуда яхши ўсади ва ундан мўл ҳосил олинади. Аҳолининг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини кўпроқ қондириш имкониятини беради. Самарқанд областининг Қорақишлоқ, Нурота, Хатирчи, Ургут, Сурхондарё областининг Бойсун, Шеробод, Боботог, Сангардак зоналарида бу экинларни кўплаб экиш кераклиги таъкидланди.

Кунгабоқар ва махсар кўп мой берадиган экиндир. Нотиқлар шу экинлар майдони ҳам кескин равишда қисқариб кетганлигини афсуслаиб гапирдилар. Эндиликда бундай камчиликларга йўл қўйиб бўлмайди. Иссиқ зоналарда кунгабоқарни кўпроқ экиш тадбирларини ҳозирданоқ кўриш, буни энг қулай агротехника муддатларида алоҳида эътибор бериш, экинни меҳр билан парвариш қилиш ҳар бир колхоз ва совхоз раҳбарининг диққат марказида бўлсин.

Ғаллакорларнинг республика кенгашида дон ва дон-дуккакли экинларни зоналар бўйича тўғри жойлаштириш маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Иқлими иссиқ келадиган зоналарда баҳори экинлар экишни январь ойида, тоғли зоналарда февралда тугаллаш тавсия қилинди. Республикада донни август ойида экишга биринчи даражали иш деб қараш керак бўлади. Шу мақсадда колхоз ва совхозларда камида 137 минг гектар ерни март-апрель ойларида шудгор қилиб қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу эса ерда кўпроқ нам сақлаш, экишни қисқа муддатда ўтказиш ва уруғни тупроқнинг намига текис ундириб олиш учун шароит яратади.

Дон хўжалигида катта салмоқка эга бўлган шоличиликка эътиборни янада кучайтириш талаб этилади. Бунда экиш муддатларига жиддий эътибор билан қараш керак бўлади. Республиканинг жанубида шоли экишни узоғи билан 5 майгача, Тошкент, Самарқанд областларида ва Фарғона водийсида 10 майгача, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда 25-30 майгача тамомлаш энг қулай муддат ҳисобланади. Шунингдек, озиқлантириш муддатларига ва нормаларига риоя қилиш, бегона ўтларга қарши кескин кураш олиб бориш керак.

Етти йилликнинг бешинчи йили пахтачилик каби дон етиштиришни кўпайтиришда ҳам кескин бурилиш йили бўлиши керак. Чунки дон ҳам республикамизнинг катта бойликларидан бири, коммунистик мўл-кўлчиликка республикамиз қўшадиган салмоқли ҳиссадир. 1963 йилда дон етиштиришни 58,1 миллион пудга етказиш, шундан 12 миллион пудини харид қилиш мажбурияти олинган экан, бу улуғвор вазифани тўла-тўкис бажариш учун ҳамма имкониятлар борлигини ғаллакорларнинг республика кенгаши қатнашчилари батафсил кўрсатиб беришди. Дон етиштириш билан шуғулланадиган партия ва совет ташкилотларининг, ишлаб чиқариш бошқармаларининг вазифаси — барча ғаллакорларнинг диққат-эътиборини ана шунга қаратишдан, ҳамма резерв ва имкониятларни ишга солиб, ғаллакор хўжаликларнинг ишини тубдан яхшилашдан иборатдир.

Б. МАҲМУДОВ,
Л. ЭРГАШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари.

СУРАТДА: қишлоқ хўжалик фанлари кандидати С. Мазурин (чапда) республика ғаллакорлари кенгаши залида ташкил этилган виставкада кенгаш қатнашчиларига нўхатнинг ўзи яратган «Восток-55» навининг аҳамиятини тушунтириб бермоқда.

А. Кузьменко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

8 МАРТ

САЙЛОВ ТАРАДДУДИ АВЖДА

ГУРЛАН. **(«Қизил Ўзбекистон» мухбирлари).** Ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммунизм» колхози партия комитети Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарликни кучайтириб юборди. 3 сайлов участкаси, 20 сайлов округи жойлашган бинолар шинам қилиб безатилмоқда ва сайловчиларнинг маданий савиясини ошириш жойига айлантирилмоқда. Сайлов комиссиялари составига кўрсатилган механик Ҳайдовчи Жамила Собирова, пахтачилик бригадасининг бошлиғи Холбека Болтаева, шоферлардан Ким Николай ва Алексей Ли ўртоқлар бинолярни турли расмлар, плакатлар, схема ва диаграммалар билан безамоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларига бағишлаб фото витрина ташкил қилинди.

Яқинда агитпункт ва агитколлектив мудирлари, агитаторлар семинари ўтказилди. Партия комитетининг секретари Ў. Йўлдошев сайловлар муносабати билан идеология ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди. Шундан кейин агитпункт ва агитколлективларнинг сайлов кампанияси даври учун тузилган плани муҳокама қилиниб тасдиқланди.

Агитаторлар ва лекторлар ўз фаолиятини кучайтириб юбордилар. Агитаторлардан коммунист Ў. Иброҳимов, партия аъзолигига кандидат Ў. Оллоёров, партиясиз активлардан И. Эшмагов, И. Ким, О. Ўтаганова, Т. Бекмонова, Ш. Кенжаевалар хонадонида ва далаларда турли темаларда суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Ёш сайловчилар учун савол-жавоб кечалари уюштирилаётир. Кеча охирида колхоз бадиий ҳаваскорлик тўгараги иштирокчилари концерт қўйиб берадн, кинофильмлар кўрсатилади. Сайловчилар овоз берадиган хоналар ташкил қилишга киришилди.

М. НАЗАРОВ,
С. ИБРОҲИМОВ.

ДЕМОКРАТИЯ АМАЛДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советига, Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг составн ҳақидаги маълумотларни умумлаштирди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 450 округ сайлов комиссияси, Қорақалпоғистон АССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 164 округ сайлов комиссияси ва республика маҳаллий Советларига сайлов ўтказувчи 68.381 округ комиссияси составига корхоналар, колхозлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамиятлари коллективларидан 250.270 вакил сайланди.

Округ сайлов комиссиялари составида 101.869 киши ёки комиссия аъзолари умумий сонининг 40,7 процентн хотин-қиз, 158.556 киши ёки комиссия аъзолари умумий сонининг 63,4 процентн партиясиздир. (ЎзТАГ).

Мазмунли суҳбатлар

КАТТАҚЎРҒОН. **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** Куйбишев номидаги Каттақўрғон ёг-мой комбинатининг ишчилари ўртасида сайлов олди оммавий-сиёсий агитация ва тушунтириш ишлари кучайтириб юборилди. Комбинат партия ташкилоти (секретари ўртоқ Александров) цехлар ва сменаларда сайлов ҳақидаги Низом ва СССР Конституциясини, совет сайлов системаси ҳамда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини кенг тушунтириш учун коммунист ва комсомоллардан иборат 80 агитатор ажратди. Агитаторлар ўз суҳбатларини комбинат ишлаб чиқаришидан олинган мисолларга боғлаб ўтказмоқдалар.

Комбинат клубига жойлашган агитпункт активлари сайловчиларнинг уйларида бир неча марта бўлдилар. Сайловчилар О. Юркова, Н. Горникова, Т. Хомидов, Ш. Қиличова ва бошқа агитаторларнинг суҳбатларини мароқ билан тингламоқдалар. Агитаторларнинг ташаббуси билан деворий газета чиқарилянти, савол-жавоб кечалари, агитаторлар куни системали ўтказиб турилибди.

ИШЧАН АГИТАТОРЛАР

ҚЎҚОН. **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** Мотор-ремонт заводи партия ташкилоти сайловга тайёрлик ишларини қизитиб юборди. Сиёсий-оммавий ишларда етарли тажриба орттирган Р. Маҳмудов, А. Усмонов, Б. Морозов, Н. Борзенков ва бошқа агитаторлар сайловчилар орасида сиёсий тушунтириш ишларини қўнгилдагидек олиб бормоқдалар.

Марказий агитпункт ҳамма вақт одамлар билан гавжум. Бу ерда сайловчилар учун барча шароитлар яратилган. Агитпунктда сайловга доир лекция ва суҳбатлар мунтазам ўтказиб турилади.

Заводда сайлов олди социалистик мусобақаси ҳар қачонгидан қизғин. Январь ойи маҳсулот тайёрлаш плани муддатидан ўн бир кун илгари адо этилди.

ҚАРДОШЛИК ЙИЛНОМАСИНИНГ ЁРҚИН САҲИФАСИ

Суратда: Қозоғистон ССРдан Ўзбекистон ССР территориясига берилган жойда неча минг гектарлаб Мирзачўл ерларини сугорадиган Киров каналининг кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

Жанубий Қозоғистон ўлкаси территориясининг бир қисмини Ўзбекистон республикаси составига топшириш ва қўшиш тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини Ўзбекистон меҳнаткашлари совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликнинг янги ёрқин далили сифатида қутиб олдилар. Умумдавлат манфаатларини назарда тутиб, мамлакатнинг жуда бой ишлаб чиқарувчи кучларидан янада рационал фойдаланиш мақсадидаги бу олиҳиммат ишга ҳамма коммунистик қурилишнинг партия тарихий XXII съезди белгилаб берган улуғвор Программани амалга ошириш, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини бажариш йўлидаги муҳим қадам деб баҳоламоқда.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Шарқ юлдузи» колхозининг меҳнаткашлари фармонларни зўр қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар.

— Халқларимизнинг ленинча доно миллий сиёсат туфайли вужудга келган қардошлиги йилномасига яна бир ажойиб саҳифа ёзилди, — деди колхоз раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов.— Бир республиканинг қарийб бир миллион гектар унумдор ерларни ва икки ярим миллион гектардан ортиқ яйловларни иккинчи бир республикага текин топшириши бошқа қайси тузумда бўлиши мумкин? Бундай олиҳиммат ишлар фақат совет кишиларининг табиатига хосдир. Совет кишилари учун севикли Ватан манфаатлари, коммунизм қуриш манфаатлари ҳамма нарсадан юқори туради. Бизнинг мамлакатимизда фақат бир ер—совет ери бор, республикаларнинг бу ерни ажратиб турган чегаралари эса дўстлик ва қардошлик чегараларидир. Республикаларимиз меҳнаткашларини пролетар интернационализми руҳида тарбиялаган жонажон партияга яна бир марта раҳмат айтишни истайман.

Калинин районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бундай деди:

— Бундан бир неча йил муқадам Қозоғистон меҳнаткашлари тоғли Бўстонлиқ ерларини республикамизга туҳфа қилганлари эсимизда. Мана, ҳозир биз улардан янги ҳадя қабул қилиб олмоқдамиз. Халқлар дўстлигининг ана шу ажойиб ифодасига жавобан биз, Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари янги ерлардан яхшироқ фойдаланибгина қолмай, шу билан бирга эски ерларда пахта, маккажўхори ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини янада оширишимиз лозим. Бизнинг бригадамиз ўтган йили мўл ҳосил етиштириб, гектар бошига 42 центнердан пахта олди. Бу йил биз ана шу юксак кўрсаткичдан ҳам ўзиб кетишга аҳд қилдик.

Қўнғина бошқа пахтакор хўжаликларнинг ерлари билан бирга ерлари эндиликда Ўзбекистон составига қўшиладиган машҳур «Пахтаорол» совхозининг директори Петр Васильевич Лугин фармонлар эълон қилиниши муносабати билан қизиқ фикрларни айтди:

— Совхозимизнинг пахтакорлари ҳақида кўпгина яхши гапларни айтадилар. Эндиликда бизнинг ишларимиз яна ҳам юришиб кетадиган бўлади. Республика чегарасининг ўзгартирилганлиги натижасида биз мамлакатнинг энг йирик пахтачилик илмий маркази, пахта далалари учун техника ишлаб чиқарувчи асосий база бўлган Тошкентга яқинлашиб, пахта етиштириш агротехникасини янада юксалтириш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни янада кўпроқ механизациялаш имкониятига эга бўламиз. Бу—КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини бажариш ишига қўшадиган энг яхши ҳиссамиз бўлади.

* * *

Қозоғистон ерларини Ўзбекистонга топшириш муносабати билан бўладиган гантаналарда қатнашиш учун 30 январда Қозоғистондан келган меҳмонларни Тошкент меҳнаткашлари самимий кутиб олдилар. Меҳмонлар орасида—Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Шарипов ҳам бор. Қозоғистондан келган меҳмонлар Ўзбекистоннинг раҳбар ходимлари билан бирга Мирзачўлга жўнаб кетдилар. У ерда кеча район Советларининг ерлар топширилишига бағишланган қўшма сессияси бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

Қардошларимиз Валентин Тюпко мактабида

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Афанасьевич Тюпкони ҳамма билади. Ўзбекистон ва бошқа пахтакор республикалардаги колхоз ва совхозларда юзлаб комплекс механизациялашган бригадалар тузилган. Бу бригадалар В. А. Тюпко тажрибаси асосида мўл ва арзон пахта етиштирмоқда.

Донгдор механизатор ишлаётган Янгийўл шаҳри яқинидаги машина синаш станциясида ўтган йили илғор тажрибалар мактаби ташкил этилган эди. Эндиликда у мактаб кенгайиб, республикалараро Ўрта Осиё мактабига айланди. Фақат Ўзбекистон механизаторларигина эмас, балки Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистондан ва Қозоғистоннинг жанубий областларидан келган механизаторлар ҳам бу мактабда таълим олмоқдалар.

Ўқув программасига станция хўжалиги билан танишиш, энг муҳими — янги машиналар билан танишиш, илмий ходимларнинг пахтачиликнинг энг муҳим темаларига доир лекцияларини тинглаш, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларига экскурсиялар қилиш киритилган. Бундан ҳам муҳимроғи — илғор усулларни амалда қўрсатиш, Валентин Тюпко билан суҳбатлашиш, шу суҳбат давомида фикрлашиш имкониятининг мавжудлигидир.

Тингловчилар донгдор механизатор раҳбарлигида ўтказилган амалий машғулотдан кўп нарсани ўрганадилар. Улар чигитни уяларга аниқ миқдорда ташлаб кетадиган сеялкани қандай созлаш кераклигини билиб олдилар, тракторни бошқардилар.

КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг ташаббуси билан ташкил этилган қардош республикалар механизаторларининг ўқуви яхши самара бермоқда.

— Бу маҳорат мактабигина бўлиб қолмай, дўстлик мактаби ҳамдир, — деди тингловчилардан бири Тожикистондаги Куйбишев номли колхоз комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи Х. Амеров.

Туркманистондаги «Коммунизм» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Х. Сеитов, қирғизистонлик механизатор Р. Эргашбоев ва С. Навоева ва бошқалар ҳам бу фикрга қўшилишди.

Илғор тажриба мактаби ўз ишини давом эттирмоқда. Эндиликда у фақат Ўзбекистонгагина эмас, бошқа қардош республикаларга ҳам илғор тажрибаларни ёймоқда.

М. СУШКОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 ФЕВРАЛДА

Рус тилида: 18.00 — **Алифбе байрами** (кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун), 18.40 — **Телевизион янгиликлар**, 18.55 — **Халқаро масалалар** (комментатор суҳбати), 19.15 — **Бекобод** («Республикамиз шаҳарлари бўйлаб» циклидан), 19.35 — **Совет Туркманистони** киножурнали.

Ўзбек тилида: 19.45 — **Механизация — юқори ҳосил гарови** (Валентин Тюпконинг илғор тажрибаси ҳақида, қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.55 — **Бизнинг интервью**, 20.10 — **Телевизион янгиликлар**, 20.25 — **Ёшлар ижоди**, 21.05 — **Иванниинг болалик чоғи** номли бадиий фильм.

22.40 — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да **Богчасарой фонтани**, 2/II да премьера **Гулсара** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да **Олов**, 2/II да **Номус**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—1/II да **Алпомиш**, 2/II да **Икки билагузук**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—2/II да РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Иван Рубан** қўл остида **«Йиртқич ҳайвонлар» аттракциони** ва янги программада **цирк томошалари**. Кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Революция ҳақида ҳикоялар — «ВАТАН» (эрталаб соат 9-50 минутда), «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

Шаҳар маданият бошқармаси Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасн билан биргаликда

ПОЙТАХТИМИЗ КИНОТЕАТРЛАРИДА

1 февралдан 10 февралгача

СССР Ҳаво флотининг 40 йиллигига бағишланган

КИНОФЕСТИВАЛЬ

ЎТКАЗАДИ.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Кўк ўқ — «ВАТАН» — 3.4/II да, «МИР» — 7,8/II да.

Тинчқ осмон—«ЎЗБЕКИСТОН»—2.3/II да. «ИСКРА» — 7,8/II да.

Тонгда сакраш — «ВОСТОК» — 5,6/II да.

Улар ўн тўққиз ёшда эди — «СПУТНИК» — 5,6/II да.

Ҳаётининг мақсади—«ЁШ ГВАРДИЯ» — 6,7/II да, «МОСКВА» — 8,9/II да.

Нормандия — Неман — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — 7,8/II да.

Осмон чорлайди—НАВОИЙ номли — 7,8/II да.

ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

Ўлдузлар сари биринчи сафар —СОБИР РАҲИМОВ номли—1.2,3/II да, КИНОЛЕКТОРИЙ — 1,2/II да.

Яна ўлдузлар сари — КИНОЛЕКТОРИЙ — 3,4/II да.

Дўстлик орбитасида — «МИР»— 1.2,3/II да, «МОСКВА»—8,9,10/II да.

Мардлар мактаби — СОБИР РАҲИМОВ номли — 4,5,6,7/II да.

Экватор орқали 35 марта—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — 2,3/II да.

Учувчи қалби — «СПУТНИК» — 1.2,3/II да. КИНОЛЕКТОРИЙ—5,6/II да. НАВОИЙ номли — 8,9,10/II да.

Қудратли қанотлар—КИНОЛЕКТОРИЙ —5,6/II да.

Самовий биродарлар — КИНОЛЕКТОРИЙ — 7,8,9,10/II да.

Самолётни Ер бошқаради—«ИСКРА»—1/II дан 10/II гача.

Хабаровск аэропортида — «ЁШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — 1/II дан 10/II гача.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2, 3 февралда

КАТТА КОНЦЕРТЛАР

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Берта Давидова,** Ўзбек ашула ва рақс ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

3 февраль кундуз соат 1 яримда мактаб музика абонементи бўйича 4, 5, 6-синф ўқувчилари учун:

«УЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ — БОЛАЛАРГА»

деган темада

СУҲБАТЛИ КОНЦЕРТ

Солист **Клара Жалилова** қатнашади.

4 февраль кеч соат 7 яримда «Музика маданияти университети»» 5-абонементи бўйича шаҳар студентлари учун:

«УЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИГА АСОС БЎЛГАН УЗБЕК ҚЎШИҒИ»

деган темада

КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Михаил Давидов** қатнашади.

1962 йил 18 ноябрда бўлмай қолган концерт талонлари ярайди.

УЛУҒ РУС ДАРЁСИ БЎЙИДА

ВОЛГАДАГИ ЖАНГЛАРНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Волга жанги урушлар тарихида мисли кўрилмаган энг буюк жангларнинг биридир. Совет қўшинлари Волгоград шаҳри бўсағаларида қарши ҳужумга ўтган йил Улуғ Ватан урушининг боришида қатъий бурилиш йили бўлди.

Улуғ рус дарёси бўйида совет халқи кўрсатган қаҳрамонлик натижасида Волгоград шаҳри ёнидаги жангларда фашистларнинг 330 минг кишилик армияси қуршаб олинди ва тор-мор қилинди. Немис армияси бу жангда фақат ўлганлар бўлиб 147 минг 200 солдат ва офицерни йўқотди. 91 мингга яқин душман солдати асир олинди, булар ичида 24 генерал ва 2500 офицер бор эди. Шу билан бирга совет қўшинлари жуда катта ўлжани қўлга киритдилар, тарихда душманнинг бундай катта армиясини қуршаб олиш ва тор-мор келтириш ҳеч вақт бўлмаган эди.

Немис қўшинларига Волга соҳилларида берилган бу қақшатқич зарба Коммунистик партия томонидан бевосита тайёрланди ва амалга оширилди. Ҳарбий санъатнинг чўққиси бўлган шу буюк жанг совет стратегия ва тактикасининг немисларнинг шаблон стратегия ва тактикасидан ғоят устун эканлигини намойиш қилди. Волга жангларида қўлга киритилган тарихий ғалаба илғор совет ҳарбий фанининг мукаммаллигини кўрсатадиган ажойиб бир далилдир.

Волга учун олиб борилган жангларда оғамиз улуғ рус халқининг фарзандлари билан бир қаторда Совет Иттифоқидаги барча миллат жангчилари ҳам иштирок этдилар.

Ўзбек халқи Волгоград бўсағаларида Ваганимизнинг ҳаёт ва мамоти учун қизғин жанглар бораётган бир пайтда шавкатли Қизил Армиянинг орқа томонини мустаҳкамлаш учун маҳкам бел боғлаб, ўзининг фронтга ёрдамини кучайтирди. Шу билан бирга у ўзининг соғиқ фарзандларини фронтга узатди. Ўзбек халқининг ўз жангчиларига юборган мактубида бундай дейилади:

«Ҳозир Улуғ Ватан уруши майдонларида совет халқларининг ва шу жумладан Совет Ўзбекистонининг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётир. Фашизмни бутун дунёда сариқ вабо дейдилар. Ана шу сариқ вабони йўқ қилиб ташлаш сизнинг қўлингизда. Ватаннинг бойруғи шу... Барча совет халқларининг бойруғи шу. Фашизм қуллигига тушган қардошларимиз олдидаги бурчимиз шу. Бутун илғор кишиликнинг фашист аблаҳлар томонидан босиб олинган бечора Европа халқларининг орзу-умидлари шу!».

Ўзбек халқининг бу наказидан руҳланган совет жангчилари Волга бўйида тобдек қад кўтариб турган азим шаҳар учун мардлик ва қаҳрамонлик билан курашишга қасамёд қилиб, буюк ғалабамизга ўз муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Гвардия сержанти Яков Павлов қўл остидаги турли миллат жангчилари шаҳарнинг марказий қисмини ҳимоя қилишда гвардиячиларга хос жанг қилдилар. Улар ҳимоя қилиб турган уйга немислар тўхтовсиз ҳужум қилиб турди. Лекин ҳар сафар душман муваффақият қозонолмай, орқага чекинишга мажбур бўлди. Жанг қизғин тус олди. Қўтирган гитлерчилар пиёда аскарлар, артиллерия, танк ва ҳатто авиациянинг катта кучи билан штурм бошлади. Уч кун давом этган тўхтовсиз жанг натижасида душман яна улоқтириб ташланди. «Павлов уйи» мустаҳкам кўргонга айланган эди. Шу тарзда гвардиячилар ўз позицияларини қарийб 50 кун ҳимоя қилиб ўз қўлларида сақлаб қолдилар. «Павлов уйи» атрофида душман ўликларидан тепаликлар ҳосил бўлган эди. «Павлов уйи» деб ном чиқарган бу муҳим объектни рус баҳодири Яков Павлов билан бирга украиналик Сабгайда ва Глупченко, грузиялик Мосияшвили ва Степаношвили, ўзбекистонлик Турғунов, қозоғистонлик Мирзаев, абхазиялик Сукба, тожикистонлик Турдиев ва татаристонлик Рамазановлар ҳимоя қилдилар. Гвардиячиларни ана шундай енгилмас кучга айлантирган ва пўлатдек мустаҳкам қилиб жипслаштирган нарса улардаги умумий мақсад, яъни социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ғояси эди.

Совет Шарқи фарзандларидан ўн бир киши (тўққиз киши ўзбек, бир киши қозоқ ва бир киши татар эди) ўзларидан ўттиз марта кўп бўлган душманга қарши қаҳрамонона жанг қилиб, Волга бўйидаги муҳим бир тепаликни қўлда сақлаб қолдилар ва шу билан ўз қисмларига душманни улоқтириб ташлаш учун имкон берди. Улар ҳимоя қилган тепаликка қаҳрамонлар номини абадийлаш учун «Шарқнинг ўн бир қаҳрамонл тепалиги» деб ном берилди.

Волга соҳилларида бошланган ҳужум жангларида турли миллат жангчилари яна ҳам зўр ғайрат ва матонат кўрсатдилар. Ҳужумнинг биринчи кунларидаёқ ўзбек халқининг шонли фарзанди Хўжаматов немисларнинг 117 солдат ва офицерини қириб ташлади. Пулеметчи Ҳамро Очилов Волга учун олиб борилган жангларда уруш давомида ўлдирилган фашистлар ҳисобини 1500 га етказди. Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Қурбонов оғир яралар бўлишига қарамай, немисларга қарши жанг қилишни давом эттирди ва бир неча бор душман танкларининг атакасини қайтарди.

Ҳужум жанглари вақтида майор Мирзоировнинг батальони алоҳида ўрнак кўрсатди, старший лейтенант С. Рўзиев разведкачилари ҳужум жангчиларининг муваффақиятини таъминладилар. Гвардиячи капитан Мирза Рустамов оддий аскарликдан рота командири даражасигача ўсиб етишди. Унинг жанговарлик қураши тилларда достон бўлиб қолади.

Волга учун бўлган жангларда мардлик ва матонат кўрсатганликлари учун минглаб ўзбек жангчилари СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Булардан бир неча киши Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган фахрли унвон олишга муяссар бўлди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Примқул Нурманов, Холиқ Аминов ва бошқалар ботирлик ва жасурлик намуналарини кўрсатдилар. Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов Волга учун жангларда қўшинларга қўмондонлик қилиш мактабини ўтди ва ўзининг бой тажрибасини бундан кейинги жангларда тинмай ривожлантирди ва такомиллаштирди.

«Чор ҳукумати замонида, — деган эди М. И. Калинин, — озарбайжонликлар ва Ўрта Осиё халқлари: туркманлар, ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқа халқлар урушда қатнашмас эдилар, уларни армия сафига олмас эдилар. Чор ҳукумати уларга ишонмас ва уларга ҳарбий ишни ўргатишни истамас эди. Сизларга маълумки, уруш бир томондан, халқлардан катта қурбон беришни талаб қилса, иккинчи томондан, у эркак аҳолига қуролни яхши билиб олиш учун имкон беради. Қуролни яхши билиб олган халқ эса ўз бошида ёнғоқ чақилишига йўл қўймайди. Шу сабабдан ҳам, чор ҳукумати бу миллатларнинг вакилларини армияга яқин йўлатмас эди...»

Барча халқлар совет қонимияти туфайли ҳамма соҳада тенг ҳуқуқ эгаси бўлди. Илгари жуда қолоқ ҳисобланган халқлар Ватан урушида иштирок этиб, ажойиб мўъжизалар яратди, миллий қаҳрамонлар вужудга келтирдики, бу совет тузуми ва ленинча миллий сиёсат самарасидир.

Ўзбекларнинг бу урушда ҳимоя қиладиган ўз нарсалари бор эди. Бошқа миллат жангчилари билан бир қаторда улар Совет қонимияти даврида камол топган ва ривожланган ўз саноати, қишлоқ хўжалиги ва шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятини ҳимоя қилдилар. Ўзбек халқи уларни барча совет халқларининг буюк ҳамкорлигида, даставвал улуғ оғамиз рус халқининг самимий ёрдами билан барпо этди ва уни бу урушда кўкрак тутиб ҳимоя қилди.

Ўзбек халқи Волга жангларида донг чиқарган ўз фарзандлари билан фахрланишга ҳақлидир. Волга қаҳрамонлари ўзбек халқининг қаҳрамонона тарихида шонли саҳифа очдилар. Уларнинг ўлмас қаҳрамонлиги асрлар ошa яшайди ва келажак авлодда фахрланиш ҳиссларини уйғотади.

* * *

Волга жанги совет тузумининг кучи ва мустаҳкамлигига қаттиқ синов бўлди. Немис империалистларининг, Совет давлати тарқаб кетади, деб қилган даъволарини пучга чиқарди. Мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ўзининг тош-метиндек мустаҳкам эканлигини яна бир марта намойиш қилди.

Т. ЭРНАЗАРОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз бўлим мудири.

ФАШИСТ ЖИНОЯТЧИЛАР ҚАТТИҚ ЖАЗОГА ТОРТИЛСИН

СССР ва Белоруссия ССР Ташқи ишлар министрликларининг матбуот конференцияси

МОСКВА, 30 январь. (ТАСС). Гитлерчи босқинчилар Улуғ Ватан уруши йилларида Белоруссияда қарийб бир ярим миллион тинч гражданларнинг ёстиғини қуритдилар. Улар Белоруссияда 200 дан ортиқ шаҳар ва 9 мингдан кўпроқ қишлоқни ёндириб, вайрон қилдилар, 10 минг колхозни хонавайрон қилдилар ва таладилар. Фашистлар оккупацияси йилларида белорус халқи ўз миллий бойлигининг ярмидан кўпроғини йўқотди.

Ҳозир Кобленц шаҳрида суд қилинаётган собиқ эсэсчилар Хойзер, Вильке, Шлегель ва бошқалар — ҳаммаси бўлиб ўн икки жиноятчи ана шу даҳшатли жиноятларни қилишда катта роль ўйнаганлар.

Жиноятчилар кўп йиллардан бери озодликда бемалол юришган, ҳатто улар Боин Республикасида масъулиятли лавозимларни эгаллаб туришган эди. Жамоатчиликнинг қатъий талаблари, антифашистларнинг мардонавор қаракатларигина Германия Федератив Республикаси маъмурларини ана шу жиноятчиларни судланувчилар курсисига ўтқизишга мажбур этди.

Бу суд бошланганидан бери уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Суд процессининг бориши айрим кишилар ҳақиқатни аниқлашни ва фашист газаначиларини жазолашни сира истамаётганлигини кўрсатмоқда.

Фашистлар қилган ёвузликларнинг қурбони бўлган совет гражданларига ва суд процессида сўзга чиқишни истаган совет юристларига Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг виза бермаганлиги ҳаммининг эътиборини ўзига жалб этди.

Бугун Москвада матбуот конференцияси бўлди, унда совет ва чет эл матбуотининг ҳамда совет жамоат ташкилотларининг кўпгина вакиллари қатнашдилар. Матбуот конференциясини СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот бўлими Белоруссия Ташқи ишлар министрлиги билан бирга ташкил қилди.

СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири Л. М. Замятин матбуот конференциясини очиб, шуни эслатиб ўтдики, Совет ҳукумати 1962 йил ноябрь ойида Германия Федератив Республикаси ҳукуматига мурожаат қилиб, Коблецдаги суд процессида фашистлар қилган ёвузликларнинг шоҳиди бўлган ва тирик қолган бир неча кишининг сўзга чиқишига ҳамда инсоният қаршн қилинган жиноятларда ва тинч гражданларни ўлдиришда шахсан иштироқ этишда айбланувчи кишиларни фош қилувчи ҳужжатларни судга топширишга рухсат этишини илтимос қилган эди.

Бироқ, Германия Федератив Республикаси ҳукумати аввалига жавоб қайтаришни пайсалга солиб юрди, сўнгра эса визалар беришдан бош тортиш ҳақида ғалати қарор қабул қилди ва шу тарзда совет гувоҳлари ва юристларининг судда иштирок этишига йўл қўймади. Бу қарорни Ғарбий Германиядаги муайян доиралар процесс доирасини торайтиришга ва эсэсчи жиноятчилар гуноҳини енгиллаштиришга интилаётганларини кўрсатади, дебгина баҳолаш мумкин. Бу хулоса шу фактдан ҳам келиб чиқмоқдаки, ҳозир суд олдида гувоҳлик берган юз кишининг кўпчилиги жиноятчиларни фош қилиш билан эмас, балки ҳимоя қилиш билан шуғулланди. Шу муносабат билан, дейди Л. М. Замятин, Кобленца суд қилинаётган кишиларнинг жуда оғир жиноятчилари фош қилувчи ҳамда ана шу жиноятчиларнинг ҳозирги катта лавозимли ҳомийларига тааллуқли бўлган материаллар билан совет жамоатчилигини ва халқаро жамоатчиликни таништиришга қарор қилинди.

Матбуот конференциясида немис-фашист босқинчиларнинг ёвузликларини аниқлаш ва текшириш бўйича Белоруссия республика давлат комиссиясининг ахбороти ўқиб эшиттирилди. Бу ахборотда СД масъул ходимлари Эрлингер, Штраух, Хойзер, Вильке, Шлегель, Освальд, Мюллер ва бошқалар Белоруссияда бевосита қилган мислсиз ёвуз ва ғоятда жиноятларини кўрсатувчи жуда кўп фактлар келтирилган. Хусусан 1943 йил май-июнь ойларида ҳаупттштурмфюрер Вильке «Коттбус» деб аталган операцияда қатнашганлиги ҳужжатлар асосида исботланди. Вильке группасининг ҳаракатлари ҳақидаги унинг ўзи қўл қўйган ахборотда 3.616 киши отиб ташланганлиги айтилади. Айбланувчи Хойзер Минск ва Барановичида яҳудийларни кўплаб отиб ташлашни уюштиришда қатнашган, Шлегель яҳудий аҳолини жазолаш операцияларида ва уларни отиб ташлашда иштирок этган.

Комиссия ҳисоблайдики, судланувчиларга Кобленцда қўйилган айблар амалда улар қилган ҳамда комиссия ихтиёридаги материаллар билан, гувоҳларнинг кўпдан-кўп гувоҳликлари ва бошқа маълумотлар билан исботланган жиноятларнинг ўндан бир қисмини ҳам ўз ичига олмайди.

Комиссия қайд қилдики, Кобленцдаги процессда фон дер Гольц, Рюбе, Бредер, Гетманн, Мух, Ведекинд сингари ашаддий ҳарбий жиноятчилар гувоҳлар сифатида қатнашмоқдалар, ваҳоланки улар Белоруссия элида одамларни ўлдиришда шахсан қатнашган ёки фош дем Бах-Зелевский сингари жиноятчилар ёки жиноятларни ташкил қилганлар.

Шундан кейин совет адвокати В. А. Самсоновга сўз берилади. У жабрланган совет гражданларининг манфаатларини бошқа совет юристлари билан бирга, Кобленцдаги суд процессида ҳимоя қилиши керак эди.

— Биз Кобленцда адолат туйғуларига асосланган чинакам одил судлов бўлади, деб умид қилиб, айбсиз азоб чеккан кишилар ва уларнинг яқинлари, инсон чидаб бўлмайдиган кулфатларни бошидан кечирган ҳамда умумий қабрлар ва гулхандардан мўъжиза билан омон қолган, бошпанадан маҳрум бўлган ва таланган ҳамма кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, адолатнинг тантана қилишига ёрдам бериш, айбдорлар ўз айбларига яраша жазо олишларига ёрдам бериш ниятида эдик.

В. А. Самсонов Германия Федератив Республикаси маъмурларининг совет гражданларига Кобленца бориш учун рухсат этмаганлигини элементар нормалар ва адолатни оёқости қилишдан бошқа нарса эмас, деб баҳолади.

Матбуот конференциясида ҳозир бўлганлар фашист оккупантларининг жиноятларини ўз кўзлари билан кўрган гувоҳларнинг сўзларини зўр эътибор билан тингладилар. Ўша пайтда Минск медицина институтининг студенти, ҳозир эса врач бўлиб ишлаётган Б. Г. Генделевич яҳудийлар қандай қилиб отиб ташланганлиги ҳақида гапириб берди.

Собиқ темир йўлчи Н. И. Валаховичнинг нутқи нацист жиноятчиларга қарши ўткир айбнома бўлиб янгради. 1944 йил июнь ойида у ҳеч қандай сабабсиз Негорели қишлоғида эсэсчилар томонидан қамоққа олинган, сўнгра эса бир қанча совет кишилари билан бирга отилган эди. Валаховичнинг мўъжиза билангина тирик қолди. Оғир яралар бўлган бу одам жасадлар орасидан эмаклаб чиқиб, яширинган эди. Минск геттосининг даҳшатли ишлари ҳақида водопроводчи Л. А. Гильдин гапириб берди. Хойзер тинч совет гражданларини отиб ташлаганини, бу гражданларни отишдан илгари Вильке ва Шлегель калтаклаганликларини у ўз кўзи билан кўрган.

Германия ҳуқуқи бўйича атоқли мутахассис, юридик фанлар доктори Н. С. Алексеев Берлиндаги Давлат ва ҳуқуқ фанлари академиясининг фахрий докторидир. Матбуот конференциясида сўзга чиққан бу олим айтдики, Германия Федератив Республикасининг маъмурлари жуда оғир ҳарбий жиноятчилар ишининг қонун, адолат асосида ва тўла-тўкис муҳокама қилинишини таъминлашни истамаганликларини намойиш қилдилар. Олим айтдики, иккинчи жаҳон уруши даврида ўзлари қилган оғир жиноятлари учун жавобгарликка тортилиши керак бўлган кишиларнинг гувоҳлик беришга лозим бўлган кишиларнинг рўйхатини тузишда процесс учун характерли бир ҳолдир.

Матбуот конференциясида сўзга чиққан кишилар фашистлар террорининг юз мингларча қурбонлари, кулфат ва мусибат чеккан, таҳқирланган ва хўрланган миллионларча тинч аҳоли номидан, Белоруссия туприғида ўлдирилган ва ваҳшиёна қийноқ қилинган ҳамма кишиларнинг порлоқ хотираси учун ҳамда адолатнинг тантана қилиши учун Кобленцда суд қилинаётган жиноятчиларга, шунингдек уларнинг эркинлигда юрган ва Ғарбий Германия маъмурларининг ҳомийларига адолатли жазо берилиши талаб қилдилар.

Матбуот конференциясининг қатнашчилари фашист жиноятчиларни фош қилувчи кўплан-кўп ҳужжатлар билан таништирдилар. Уларга «Қурбонлар айблайди» кинофильми кўрсатилди.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор—26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Масъул секретарь—34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Пропаганда—31226. Саноат, қурилиш ва транспорт—34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва хатлар—29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар—28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06169. Индекс 64543. Нашр. № 27.